

# ЗУЛФИЯНИНГ ҚИЗЛАРИ

---

*Давлат мукофоти совриндорлари ижодидан*

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент — 2000

**Зулфиянинг қизлари: Давлат мукофоти совриндорлари ижодидан: /Тўплам/.— Т.: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2000.—88 б.**

Ўзининг жозибали ижоди, ибратли ҳаёти ва нурга йўғрилган фаолияти билан Ўзбек аёлининг тимсолига айланган Зулфиянинг ҳақиқий ворислари — истиқлол нашидаси билан ўқиётган, яшаётган ва ижод қилаётган қизлардир. Давримиз эъзозидаги муқаддас аёл бўлишга тараддуд кўраётган, бу йўлда изланаётган ва курашаётганларни муқаддас Ватан, бағри кенг халқимиз ҳамиша қўллайди, рағбатлантиради.

Мазкур китобда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ижодидан намуналар берилган.

Ўз2

Т 4702620202 - 80  
М352(04) - 2000 режага кўш. 2000

ISBN 5-635-01893-9

© Фафур Фулом номидаги Адабиёт  
ва санъат нашриёти, 2000 й.

## ГУЛЬМИРА МУСТАПАЕВА

1983 йилда Нукус шаҳрида туғилган. 37-лицейнинг 11-синфида ўқийди. Шаҳар ва вилоятлараро фанлар бўйича ўтказилаётган олимпиадалар ва телетанловнинг фаол иштирокчиси. “Прогресс” инглиз тилини ўрганиш марказида таҳсил кўряпти. Ўлкашунослик музейи экспонатларини чет элликларга таништиришда ёрдам бермоқда. Инглиз тилидан таржималар қилади.

---

### ВАҚТ МАШИНАСИ

Мен ҳеч ким билмайдиган олимман, мен ўта зуккоман. Баъзида ҳеч нима қилмай ўтирсам ҳам, бирон нарсаларни ихтиро қилиб қўяман, лекин мен ихтиро қилган нарсаларни ҳеч ким тушуниши ёки бошқара олиши мумкин эмас, шу ваздан ҳам мени олима сифатида ҳеч ким танимайди. Бундан икки ой муқаддам мен суперкомпьютер ихтиро қилдим ва уни вақт машинаси дея атадим.

Бу машинанинг юзта тугмачаси бор. Ва менинг компьютерим хоҳлаган кишидан уч баробар тезроқ ўйлаш қобилиятига эга. Энг аҳамиятли ери шундаки, у асрдан асрга саёҳат қилишга қодир. Агар сен вақт бўйлаб саёҳат қилишни истасанг, аввал тўрт саволга жавоб беришинг керак: 1. Қайси давлатнинг қайси даврига боришни истайсан. 2. Қайси нуқтада ўзингни кўришни истайсан. 3. У ерда қанча вақт қолиш истагидасан. 4. У ердан нималарни олиб қайтишни хоҳлайсан. Бу машинанинг энг ёмон ери шуки, уни фақат мен бошқара оламан. Қанақадир йўл-йўриқни ўйлаб топиш ёки ёзиш мутлақо мумкин эмас, сабаби йўл-йўриқ ёзаман деб ўтириб менинг янглишиб кетишим мумкин, сабаби, мен миямдагиларни сўзлар билан ифодалашга жуда ҳам қийналаман. Бу бирам машаққат иш. Ҳар бир файл, ҳар бир код менинг

миямда жойлашган. Аввал айтганимдек, бу машинани фақат мен ўзим бошқара оламан, шу вайдан ҳам бу машина менинг қайси бир мансабни эгаллашимга ёрдами тегмайди, сабаби мендан ўзга ҳеч ким уни бошқара олмайди. Бироқ ўтган ойда мен ўз лабораториямда кўзларим чарчоқдан қизариб, руҳим тушиб ўтирсам, тасодифан ҳаёлимга бир фикр келди. Мен ўзим билан сафарга шундай бир қимматбаҳо зотни олишим керакки, у менинг келажагимни таъминласа. Шундай ҳам қилдим. Ва мен археолог бўлдим, сабаби ҳаммадан қолган ва ҳамма нарсаларнинг қолдиқларини топадиганлар археологларку. Мен келажакка сафар қилишни шу сабабдан истамадимки, мен уни шу бугунги ҳаётимда ҳам кўра оламан ва мен саксон миллион йил муқаддам ўтмишга, динозаврлар яшаган даврга кетдим.

Динозаврлар яшаган даврда ер курраси ялпоқ экан. Мен у ерга икки дақиқада етиб бордим. Бу махлуқотлар бири-бирини тамадди қиларканлар ва шу боис ер юзидан йўқолиб кетганлар. Дастлаб мен ўзимни одамсиз оролдаги Робинзон Крузо сингари ёлғиз сездим. Бу ерда ҳаво шундай мусаффо эди. Атроф ям-яшил, дарахтлар ёки бутуқлар ўсмаган биронта ҳам бўш жой йўқ эди. Дарахтлар баланд-баланд эди. Энг кичкина дарахтнинг ўзининг бўйи ўн беш метрга баробар. Оҳ, мен уларнинг ўз ҳолида яшаётганини унутганман, ҳеч ким уларга тегмайди, улар ҳам ҳеч кимга халақит бермайдилар. У ерда динозаврлардан ўзга ҳеч бир ҳашарот ёки махлуқот йўқ эди. Мен сизга аввал айтганимдек, улар бири-бирини тамадди қиладилар, балки бошқа ҳайвонларни улар еб тугатса керак. Албатта, бу шундоқ. Ахир динозаврлар вегетарианлар эмас-ку. Уларнинг энг каттасининг бўйи ўттиз беш метргача етарди. У ерда жуда ҳам сув кўп. Об-ҳаво жуда иссиқ ва ёмғирли эди. Мен бу ердан динозаврнинг ўзини ва иккита тухумини олиб кетишга қарор қилдим.

Энди мен динозаврларнинг ерда яшаганлигини исботлаб бера оламан. Ўтган ҳафтада мен Нукусда “Савицкий — Н” номли музей очдим. Энди турли давлатларнинг одамлари менга ва менинг давлатимга қизиқиб қолдилар.

## ХОББИ

Менинг энг яхши кўрадиган нарсам — бу мумтоз адабиёт намуналарини, замонавий газета ва журналларни ўқишни севаман.

Газета ўқишни яхши кўришимнинг сабаби, бу кишининг ақл-заковатини ўстиришга ёрдам беради. Бизнинг оиламизда ҳеч биримиз газета ўқимай туролмаймиз. Агар сиз зерикиб қолсангиз, кўлингизга бирон журнални олиб, варақлаб, ҳазил-мутойибаларни топиб ўқисангиз, янада кайфиятингиз ошади. Агар сизда бирон-бир муаммо туғилгудек бўлса, уни бошқаларга айтиш иложи бўлмаса, сиз яна журналларни варақлай бошлайсиз ва ўз муаммоларингизга жавоб топасиз. Тагин газсталарнинг ҳар бир сонида бошқотирмалар бўлади. Бошқотирмаларни ечиш устида сиз ўз хотирангизни мустаҳкамлайсиз ва кучайтирасиз. Ҳар бир бошқотирмани ечиш борасида сиз ўнлаб янги сўзларни тил хазинангизга қўшиб оласиз. Ўйлайманки, саҳардан то шомгача, кўзингиз хира тортгунча телевизор кўргандан кўра, бошқотирма ечиб вақтни фойдали ўтказган маъқул ва фойдалироқдир. Шу ваддан мен газета ўқиб, бошқотирма ечими устида ишлашни яхши кўраман. Ўқиш завқли ва аста-секин газеталар сенинг энг яхши дўстларингга ва хоббингга айланиб боради.

Китоб инсонни тарбиялайди, таълим беради ва унинг ойдин келажагига йўл очади. Қадим-қадимлардан китоб инсонларнинг энг бебаҳо мулкига айланиб қолган. Бизга қадар нималар содир бўлган ва бизларни келажакда нималар кутяпти — бу ҳақда ҳар бир киши тарих китобларидан билиб олиши мумкин. Мен болалигимдан эртақ ўқишни севаман. Булар аксарият ўзбек, рус ва бошқа халқларнинг эртақлари эди. Кейин мен Астрид Линдгрэн, Акаука Гриммлар, Ганс Андерсен ва бошқа ёзувчиларнинг эртақларини ўқишга қизиқдим. Энди, мана, болалик изда қолиб бормоқда, лекин, китобларга муҳаббатим яна ҳам ортяпти. Одатда мен ўзимга ёқиб қолган китобни уч мартабагача ўқисам ҳам зерикмайман. Эртақлардан сўнг мен детектив китобларни ўқишга ўтдим. Бир куни эса бир дугонам менга мумтоз адабиётни ўқишим зарурлигини маслаҳат берди. Шундан буён мен мумтоз ёзувчиларнинг романларини ўқишга тутиндим. Уларни ўқир экансиз, сиз

уларда тасвирланган воқеаларнинг ичида юрасиз, гамли ёки бахтли ҳодисаларнинг гувоҳи бўласиз. Баъзида таас-суротларимдан кўзимда ёш ҳалқаланади. Шу дамлар сабабли мен ўқишни севаман.

## УНУТИЛМАС ҲОДИСА

Ҳар бир кишининг ҳаётида унутилмас воқеалар юз бериши табиий. Одатда одамлар ҳаётининг энг бахтли дамларини бир умр хотираларида сақлайдилар. Менинг хотирамда муҳрланиб қолган бу воқеа мен танимайдиган етти ёшлар чамасидаги бир бола билан содир бўлган эди.

Йўлакда келаётиб, мен у боланинг йўлни кесиб ўтаётганини кўрдим. Тасодифан қизил рангли машина кўринди, қарашдан у машинанинг кенг йўлнинг нарироғидан осонгина ўтиб кетиши эҳтимол эди. Тагин машина юқори тезликда келаётган эди ва болага жуда ёндашиб, филди-раклари боланинг оёқларининг учини босиб, йиқитиб ўтди. Боланинг бўйи кичкина бўлиб, машинанинг орт манзарани кўрсатувчи ойнасида кўринмаса керак. Бечора бола шундай кўрқиб кетган эдики, оғригини ҳам сезмаган ҳолда ўрнидан туриб, йўлакка чиқиб олгач, йиғлай бошлади.

Мен дарҳол унинг ёнига етиб бордим. Шу дамда бошқа одамлар келиб, уни юпата бошлади. Мен ундан оёқларинг ё бошқа еринг оғримадими, деб суриштира бошладим. Шу вақтда мен унинг юзи қонга беланганини кўрдим. У саволимга жавоб бермай, йиғи аралаш “уйга бораман” деганини эшитганимда менинг ҳам кўзимга ёш келди. Мен уни уйига бошладим. Менинг шу пайтдаги уни қоқиб кетган машина ҳайдовчисига бўлган нафратимни тил билан ифодалаб бўлмасди. У машинасини кўчанинг бошига етганда тўхтатди, шунда у бировни қоқиб ўтганини билса керак, мен энди уни изига қайтади, деб ўйладим, лекин у боланинг оёғида турганини ва ёнида одамлар йиғилиб қолганини кўриб, машинасини яна ҳайдаб кетди. Афсуски, мен унинг машинасининг рақамини кўролмай қолдим, агар рақамини билганимда эди, бу бетайинга чора кўрилган бўлар эди.

Балки унинг келмагани ўзига яхши бўлди, деб ўйладим мен кейин, агар қайтиб келганида унинг башараси ёки бирон мучаси захмланган бўлармиди...

Болани бизлар уйига элтиб қўйдик.

## ЖАМИЛА СОТҚИНОВА

1976 йилда Андижон вилоятининг Избоскан туманида туғилган. 6-гимназиянинг инглиз ва урду тили ўқитувчиси. Янги педагогик технологиялардан фойдаланади, Фурқат, Муқимий, Ҳамза ва Чўлпон ижодларини қиёсий таҳлил этган. “Жўш Малиҳободий ва ўзбек тараққийпарвар шоирлари” рисоласини урду тилида ёзган. Сценарийлар муаллифи.

---

### *Сценарийлар*

#### **ОНА ЗАМИН САХОВАТИ**

Юртимиз кишилари азалдан ҳосил байрами тантаналарини ўтказиш, унда она заминдан неъмат яратаётганларни мадҳ этиш, улуғлашни, айниқса, бободехқон меҳнатини қадрлашни одат қилиб келганлар. Бундай байрамларда оддий халқ билан бирга юртнинг олиму уламолари, шоиру шуаролари бажону дил иштирок этганлар. Биз ҳам мазкур тадбирни халқимизнинг ана шу эзгу байрамига, яъни ҳосил байрамига бағишладик.

“Она замин саховати” деб номланган ҳосил байрами тантаналари барча синф ўқувчилари ўртасида ўтказилиши режалаштирилиб, байрамга қадар дастлабки босқич синфларда ўтказилади.

Мазкур байрам тантаналари 1999 йил 17 январь куни кундуз соат 14.00 дан 16.00 га қадар ўтказилади.

Байрам тантаналарига қишлоқдаги кекса деҳқонлар, илғор меҳнат кишилари, жамоа хўжалиги аъзолари ва оналар тақлиф этилади.

#### **Байрам тантаналарини олиб бориш тартиби**

Чорловчи:— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳой! Соё бўйида тўпланган, оз эмасу кўпланган, катта-кичик одамлар, фаниматдир

бу дамлар! Ҳосил байрамига келинг, бободехқонни улғулашга елинг. Бугун 6-гимназия интернатида ҳосил байрами ўтказилапти...

**Кўпчилик:** *(Қўлларида турли-туман қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўтариб, қўшиқ айтиб саҳнага кириб келади.)*

Баҳорда қўш ҳайдаган,  
Меҳнатда нўш ҳайдаган,  
Ўргилиб хуш ҳайдаган,  
Бободехқоним, ҳорма.  
Ўзбекистоним, ҳорма!  
Бошига дўппи кўндирган,  
Тупроқдан зар ундирган,  
Ваъдасини дўндирган,  
Бободехқоним, ҳорма!  
Ўзбекистоним, ҳорма!

**1-ўқувчи:** Эсласам, ўзбек элим,  
Минг йиллар бор тарихинг,  
Фақат меҳнат, хунардан  
Сўйланади таърифинг.

**2-ўқувчи:** Мана, сен эккан донинг  
Ҳам гижда, патир бўлди.  
Гўё иссиқ қуёшдек  
Оламга татир бўлди.

**3-ўқувчи:** Оппоқ пахтанг — “оқ олтин”  
Дунё юзин кўрмоқда.  
Баракаю саховат  
Сенга юзин бурмоқда.

**4-ўқувчи:** Сават тўла пиллангга  
Сукланиб боқар олам.  
Дунёни безайман, дер,  
Зар билан ипак толанг.

**5-ўқувчи:** Мана, сархил мевалар  
Меҳнатнинг нишонаси.  
Мевасиз обод эмас  
Ўзбекнинг ҳар хонаси.



6-ўқувчи: Бобур бобом саргардон,  
Гам қочирса тобини,  
Дардига шифо бўлган  
Андижоннинг қовуни.  
Биз ҳам сенинг болангмиз,  
Олтин қўл бободехқон.  
Ҳимматингга таҳсинлар,  
Сенга шараф, сенга шон.

7-ўқувчи:— Азиз устозлар, ўқувчи тенгдошлар ва байрам шодиёнаси қатнашчилари. Биз сизларни бугунги ажойиб кун — ҳосил байрами билан чин қалбдан муборақбод этамиз. Барчангизга байрамона кайфият, ризқ-рўз, дастурхонингизга барака тилаймиз!

8-ўқувчи:— Азиз байрам қатнашчилари. Сизларнинг рухсатингиз билан саҳнага саховат ва бунёдкорлик тим-соли — бободехқонни тақлиф этамиз.

*(Саҳнага эғнида оқ яктар, қўлида кетмон билан бободехқон кириб келади.)*

Бободехқон:— Ассалому алайкум, менинг азиз дўстларим! Барчангизни ҳосил байрамингиз билан қутлайман. Бугун мени даврангизга чақириб, байрамга тақлиф этганингиз учун миннатдорман. Зироатимизга ҳамиша Оллоҳ баракот бериб турсин.

9-ўқувчи:— Азиз байрам қатнашчилари, биз бутун ноз-неъматларимизнинг бунёдкори, меҳнаткаш, толмас билан бободехқонларни ҳар қанча олқишласак арзийди. Ҳозир 9-синф ўқувчиси “Ўзбеклигимдан” номли кўшиқни Деҳқонбобога ҳадя қилмоқчи.

*(Кўшиқ ва рақслар ижро этилади. Деҳқонбобо ўқувчиларнинг ижодий ишларига баҳо беради ва ғолиб ўқувчиларни танлаб боради.)*

10-ўқувчи:— Азиз дўстлар! Мана, Деҳқонбобомиз энг яхши маҳсулот етиштирган ёш деҳқонларни ва энг яхши асбоб ясаган ҳунарманд ўқувчиларни аниқлаб беради.

11-ўқувчи:— Деҳқонбобомизнинг тақлифларига кўра энг яхши маҳсулот етиштирган 10-синфнинг миришкор деҳқонини энг яхши деҳқон, 11-синфнинг ўқувчисини эса энг яхши ҳунарманд деб топди.

12-ўқувчи:— Ғолибларимизни тақдирлаш учун гимназия-интернатимиз директор ўринбосари Султоновга сўз берилади. Марҳамат.

13-ўқувчи:— Дўстлар, шунинг билан бугунги ҳосил байрамимиз ўз ниҳоясига етди. Барчангизни байрам билан табриклар, она-Ерни севишга, уни ардоқлашга, меҳнат қадрига етишга чақириб қоламиз. Азиз байрам қатнашчилари! Бугун биз ҳосил байрами баҳона меҳнаткаш ва бунёдкор ўзбек халқининг чексиз меҳнатларини, унинг яратувчилик хислатларини тараннум этишга ҳаракат қилдик. Буни ҳар қанча куйласак, мадҳ этсак озлик қилади. Азизлар, ҳаммаларингизга бу борада ҳам омадлар тилаб қоламан.

### “АЛПОМИШ” ДОСТОНИ МИНГ ЁШДА

Мактабнинг мажлислар зали чиройли қилиб безатилган, тил ва адабиёт фани ўқитувчилари, “Шеърят” тўғараги раҳбари ва аъзолари ҳамда мактабнинг юқори синф ўқувчилари билан тўлган. Саҳнага “Алпомиш” достонининг минг йиллигига бағишлаб, ўзбек халқ ижоди намуналаридан бўлган китоблар кўргазмаси қўйилган.

Бошловчи:— Ассалому алайкум, азиз устозлар, хурматли ўқувчилар! Биз бугун бу ерга халқ оғзаки ижоди маҳсули “Алпомиш” достонининг минг йиллигини нишонлаш учун йиғилдик. “Бахшилик эл — ботир”, деган нақл бор. “Нақл — ақлнинг меваси”, деб бежиз айтилмайди. “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Равшан” каби достонларни тинглаб ва ўқиб улғайган авлод кам бўлмайди, маънавий етук бўлиб етишади.

Замон ўтади. Замонга мос чин сўз янги талқин шаклида янги авлод кўнглига йўл топади. Сўзнинг янги шакл топишида замонавий бадий тафаккурнинг хизмати беқийс бўлади.

Фольклор дунёдаги барча санъат турлари ривож учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб келмоқда.

Ҳурматли ўқувчилар, мен сўзни мактабимиз “Шеърят” тўғараги раҳбари, ёш ўқитувчи Жамила Сотқиновага бераман. У “Алпомиш” достонининг тарбиявий аҳамияти тўғрисида гапириб беради.

Ж. Сотқинова:— Ҳурматли ўқувчилар, бизнинг она заминимиз не-не қаҳрамон ва не-не паҳлавонларни кўрмаган. Ана шундай паҳлавонларнинг бири Алпомишдир.

Алпомиш ўз элини, ўз ерини жонидан ортиқ кўрган зарбардаст паҳлавондир. Алпомиш ўз элининг бахту саодати учун ўз жонидан кечигга тайёр.

Алпомиш ёшлигидан она-Ерини, ота-онасини, дўстини ардоқлаб ўсган инсон. Зеро, унга шундай тарбия берилган эди-да.

Алпомишнинг Қоражон билан дўстлашуви, унинг бошқа халқ фарзандлари билан ҳам дўст бўлиши кейинги авлодларни ҳам халқлар ўртасидаги дўстлигини мустаҳкамлашга чақиради.

Ҳакимбек-Алпомишнинг барча ишлари, ҳатто унинг сўзлари ҳам бизни эзгуликка етаклайди.

Алпомиш достони кириб бормаган хонадон, уни ўқиб ибрат олмаган бирор ўзбек фарзанди топилмаса керак. Алпомиш издошларини ҳар бир асрда керагидан ортиқ топишимиз мумкин.

Катта Фарғона канали қурилишида халқимизнинг қанчадан-қанча азаматлари ўзларини Алпомишнинг авлодларидан эканини намойиш қилиши, қўл кучлари билан асрлар давомида қақраб ётган ерларига сув чиқариши ёки ҳозирги кундаги қардош халқлар билан дўстлигимизни мустаҳкамлаш учун Президентимизнинг жонбозлик кўрсатиб олиб бораётган хатти-ҳаракатларини мисол қилиш мумкин.

Ёки спорт соҳасида ўзининг Алпомишдек куч-қудратга эга эканини намойиш қилаётган Алпомиш келбатли йигитларимиз озми?

Ҳурматли ўқувчилар, Ватанимизда “Алпомиш” достони минг йиллигининг нишонланиши — бу ўзбек халқи яратган қадриятларни қардош халқлар орасида янада юқорига кўтаради.

Биз Алпомиш авлодлари эканлигимизни ҳеч қачон унутмаган ҳолда яшашимиз, ўқишимиз даркор.

Ўқувчилар “Алпомиш” достонидан парча намойиш этадилар. Сўнг навбатдаги саволлар берилади:

1. “Алпомиш” достонининг энг мукамал, бадиий жиҳатдан юксак варианты қачон, ким томонидан ёзиб олинган?

2. Достон илк бор нечанчи йилда ким томонидан чоп этилган?

3. Алпомиш Бойсунга қайтганда, унинг танасидаги панжа изларига қараб таниб олган қаҳрамонларнинг номини айтинг.

4. Достоннинг шеърий қисми неча қисмдан иборат?

5. Алпомишни зиндондан ким қутқаради?

Саволларга жавоб беришда 10-синф ўқувчилари Абдувоитов Равшан, Раҳимов Азамат, Мирзараҳимова Одина, Отахонова Соҳибалар фаол қатнашдилар.

## ИРОДА ОРИПОВА

1979 йилда Бухоро вилоятининг Пешку туманидаги Талисобоун қишлоғида туғилган. Бухоро маданият билим юртини битирган, кутубхонашунос. 11-мактаб кутубхонаси мудир. Туркум шеърлари, сценарийлари эълон қилинган. Ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишлар олиб боради.

---

### ҚУТЛОВ

Қадим шаҳрим, азиз тупроғим,  
Она юртим улуғ Бухоро.  
Бу буюк тўй, бу буюк сана,  
Бўлсин сенга қутлуғ, Бухоро.

Неча-неча довлар ошдинг,  
Не кунларни кўрди пешонанг.  
Азиз бошинг узра ўйнайди  
Қонли қилич поралаб сийнанг.

Ва ҳаттоки қадамжоларинг  
Оёқ ости қилди нонкўрлар.  
Оллоҳ суйган суюкли юртнинг  
Қонин сўрди қанча қонхўрлар.

Сўйлай десам сенинг ҳақингда,  
Тарихингни ўзи минг дoston.  
Ёшман ҳали, қаламим ожиз,  
Сўйламоғим мушкулдир, инон.

Лекин энди сен ўша аччиқ,  
Ўша мудҳиш ўтмишни унут.  
Қучоғида асрар, авайлар,  
Замон келди, қаддингни тик тут.

\* \* \*

Мен сени унутдим, сен ҳам унутгин,  
Тушун, бу севгинга эмасман лойиқ.  
Мен сени севмадим, севолмам асло,  
Севгига хиёнат, оҳ, не савдолик.

Не керак алдамоқ, виждон азоби,  
Ўзимни ҳам қийнаб, сени ҳам қийнаб.  
Севгини шунчаки ҳавас деб билдим,  
Юрак қийналади туну кун ўйлаб.

### КУМУШБИБИ МОНОЛОГИ

Муҳаббатим, ҳаётимсиз, бахтим, дедим,  
Бу дунёга келиб фақат сизни суйдим.  
Оҳ, бевафо, бағри тошим, Бегим менинг,  
Ўзга ёрга ёр бўлдингиз, ёмон куйдим.

Эшитдим, бул ақлу хушим ҳайрон этди,  
Бағримни доғ, юрагимни вайрон этди.  
Қон йиғладим, кўз ёшимни гирён этди,  
Ҳижрон дарду ғамдин манга ошён этди.

Хазонларда хазон бўлган гулдек сўлдим,  
Оҳ, айрилиқ юрагимни эзиб ичди.  
Ҳажрингизда аза тутиб Кумушбегим,  
Кун — ҳаловат, тунлар уйқусидан кечди.

Яшолмадим айрилиқнинг гирдобида,  
Тунлар бўғди мени соғинч деган ҳис.  
Рашк ўлгур қийнайди, қийнайди тагин,  
Зайнабнимас, ёлғиз менинг ёримсиз.

Сизни дея ўз юртимдан айро бўлиб,  
Мен юрибман Тошканларда сарсон бўлиб.  
Бегим, кетай қалбингизга армон бўлиб,  
Зайнаб қолсин дардингизга дармон бўлиб.

\* \* \*

Оҳ, Юрак, қийнама, қийнама мени,  
Қийноқларингга ҳеч ортиқ чидолмам.

Кўксимни ёргудай тўлғонма, тинчлан,  
Мен ҳам худди сендек бечораҳолман.

Майли, аламларинг бўғзимга жойла,  
Оху фарёд бўлиб отилиб чиқсин.  
Майли, сен танамни тилка-тилка эт,  
Зора ана шунда тополсанг таскин.

Бироқ, бундан ўзга юпанч истама,  
Шундоқ ҳам дардлардан тўйиб бўлдим мен.  
Бу дунёда фақат нопокликларга  
Лоқайд боқиб яшай олишинг мумкин.

\* \* \*

Устим бутун, юрагим юпун,  
Кимгадир мен ортиқча бугун,  
Тушмасин деб уларга юким,  
Бу ерлардан кетаман бир кун.

Виждондан тонмаслик учун,  
Гуноҳларга ботмаслик учун,  
Қарғишларга қолмаслик учун  
Бу ерлардан кетаман бир кун.

Қўй, жаврама, куйинма, дўстим,  
Бари бекор, қатъийдир сўзим,  
Мени авраб қололмас ҳеч ким,  
Бу ерлардан кетаман бир кун.

Қилинмадим, йўқ, асло қувғин,  
Ўз қалбимга ўзимман ҳоким.  
Хоҳишим-ла чиқардим ҳукм,  
Бу ерлардан кетаман бир кун...

## КЎЗЛАРИ СЎҒИР ТУЙҒУ

Оҳ, қанчалар бехосият тун.

Даҳшатли сукунат...

Зим-зиё зулмат...

Бу тун дардлар бўғади мени. Қалбим осмонида сўнар юлдузлар, ўрнини эгаллар оғриқ ботқоғи.

Қалбимни эзди номсиз туйғулар, билолмам бу алам, бу нафрат ёки... Ёки бир умрга муҳрланиб қолган айрилик доғи.

Қандайдир дард бўлса ҳам, у қалбимни тинмай тирнайди. Тўлғонади, қалбим ситам эзмокда? Ёки қийнамокда уни, эй олам!

Ўксиб-ўксиб йиғлагим келди. Нечун қалбим бунчалар исён кўтармокда? Нечун мени бунча қийнайди? Уни овутгим келди шу чоғда. Дардларини дардлашгим келди.

— Қалбим, сени қандай дард эзар?

— Нафрат ва алам.

— Наҳот?

— Афсуски, шундай.

— Ахир сен чин дилдан севган эдинг-ку?

— Ҳа, севар эдим бутун борлигим билан, фақат ҳозирмас.

— Ахир ҳар нарсага тайёр эдинг-ку, ҳаммасини кечира олардинг.

— Ҳа, ҳаммасини кечира олардим, лекин хиёнатни кечирмокқа етмади кўзим. Мен ундан нафратланаман, ҳазар қиламан. Хиёнат, хўрлик, таҳқир, ахир барчасига етарми бардош?

Оҳ, бечора қалбим, оҳ, шўрликкинам.

\* \* \*

Эсимда...

Ҳаммаси кечагидек кўз ўнгимда.

Ўшанда у мени университет қошидаги боғда кутарди. Уни кўришим биланоқ юрагим орзиқиб, алланечук бўлиб кетдим. Юзларим лов-лов ёна бошлади. Мен у томон юриб бордим. Йўқ, йўқ, юриб бормадим, гўё қанот ёзиб учиб бордим мен.

Биз учрашдик, кўзлар тўқнашди, диллар сўзсиз, унсиз сирлашди. Бир зум тикилиб турдим. У эса ҳар галгидек жилмайиб боқарди менга. Бу жилмайиш чексиз қувонч бахш



этарди, бир дунё бахт армуғон этарди менга. Бу жилмайишдан бошим айланиб, кўзларим тиниб кетарди. Дунёни, бутун борлиқни унутардим. Гўёки ер юзида қаршимда жилмайиб турган мана шу йигитдан бўлак ҳеч кимса йўқдек.

— Элнора, мен ёлғиз эмас, дўстим ҳам ёнимда. Та-ниш — Жасур.

Ё тавба, шундоққина ёнимда турган йигитни кўрмабман. Дўстини нега олиб келибди экан.

— Салом.

— Салом, яхшимисиз, Элнорахон?

— Раҳмат.

— Элнора, биз Жасур билан битта факультетда ўқиймиз. Жуда зўр йигит, ўзи ҳам йигитларнинг олтини. Шунақа, дўстим?— дея Элёр дўстининг елкасига қоқиб қўйди.

— Шунақа, шунақа,— хахолаб кулди Жасур.

Улар кулишди. Уларнинг бу кулишлари самимий кулгига ўшамасди, аллақандай ғараз бордек. Нимагадир юрагим гаш. Элёрнинг дўсти менга ёқмади. Кошки эди тезроқ кетсайди.

— Ие, хотирамдан кўтарилиб, ётоқхонани очиқ қолдириб келибман. Сизлар суҳбатлашиб туринглар, мен ҳозир,— дея Элёр шошиб кетди.

Бир кўришдаёқ менга ёқмаган йигит билан бу ерда ҳечам ўтиргим йўқ эди. Менга қолса кетаверардим, ноилож Элёр учун қолдим.

Чунки Жасур умрида аёл зотини кўрмагандек, бошдан-оёқ суқланиб қараб:

— Хайронман,— дея гап бошлаб қолди.— Икки йил битта университетда, битта бинода ўқиб, сизни ҳечам кўрмаганимга.

У боягидай ёқимсиз илжайиб қўйди. Унинг бу қилиқлари ғазабимни келтирди, ўзимни зўрга тутиб, ҳар замон-ҳар замонда у кетган томонга қараб қўярдим.

— Элнорахон, жуда гўзал экансиз. Элёрнинг мақтаганича бор. Дўстимдан миннатдорман, бўлмасам фаришта билан учрашиш қаёқда эди.

Қоним қайнаб, ғазабим жўшиб кетди. Тишимни тишимга қўйиб бу гал ҳам лом-мим демадим. Кўнглим жудаям гаш. Элёрни бетоқат бўлиб кута бошладим. Бунча ҳаяллаб қолди, нима қилди экан.

— Юринг, боғни айланамиз.

— Кечирасиз, мени боғ айлангим йўқ сиз билан,— ғазабимни яширолмадим.— Мен Элёрни кутмоқчиман.

— Элёрни кутмоқчисиз? Ҳм, Элёр келмайди. У бизларни таништириб қўйди, холос. Бу ёғини ўзимиз Элёрсиз ҳам ҳал қилиб олаверамиз.

Мен худди қаттиқ тарсаки егандек, “Нима?” дея қичкириб юбордим.

— Ахир у бизни бемалол гаплашиб олишимиз учун ёлғиз қолдириб кетди. Наҳотки тушунмадингиз, азизим. — У мени қўлимдан ушлаб, ўзига тортмоқчи бўлди. — Сиз менга жудаям ёқиб қолдингиз.

— Ифлос,— дея орқамга қарамай, боғдан югуриб чиқиб кетдим.

— Қаёққа, тўхтанг, Элнорахон,— дея орқамдан қичқирай эди у.

Хонамга кирдим, бурчакда турган каравотга ўзимни отдим. Юзимни болишга босиб ўксиб-ўксиб йиғладим. Ўшанда менинг қандай оғир ҳолатга тушиб қолганимни билсангиз эди. Наҳотки Элёр шундай тубанликка қўл урди.

Шу дақиқалардан бошлаб қалбимда унга нисбатан муҳаббат эмас, ғазаб ва нафрат ўти алангланади. Унинг шунчалик паст, шунчалар ёлғончи, шунчалар хиёнаткорлигини нега илгарироқ билмаган эканман. Муҳаббатнинг кўзи кўр деганлари шу бўлса керак. Кўзлари сўқир бу туйғу бир куни келиб мени шунчалар бахтсиз қилишини ҳатто хаёлимга ҳам келтирмабман:

Шундан бери сенга қалбимда нафрат,  
Юрак осмонидан сўнди муҳаббат.  
Орзуларим увол, ишончим сўқир,  
Барчаси рўёдир — севги, садоқат.

### БАХТНИНГ ОЛИС МАНЗИЛИ

Лаб бўёғига чапланган сигарета қолдиғию сочи баланд турмакланган раққоса. Хушрўй ва ғамгин қизнинг аламли нигоҳи... Бу манзара ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди.

Ўша куни эрта тонгданоқ кайфиятим зўр эди. Талабадаги тоғни йиқитгудек ғайрат-шижоат менга ҳукмронлик қилаётган, “Талабалар шаҳарчаси” иккинчи уйимдек бўлган азиз онларим.

Туни билан арининг уясидек ғувиллаган ётоқхона дам олиш куни боис жимжит. Енгил шиппагим коридорда аксадо беради: Шип-шип, шип-шип-шип.

— Ҳа, намуначка каллайи саҳарлаб?

Ювиниш хонасига ортимдан уйқусираб кириб келди дугонам.

— Ўзлари-чи, жория хоним?— шахсий лугатимдаги энг “ширин” сўзларимдан бирини унга йўлладим.

— Ҳа, энди, Қушон маликаси меҳмонга бораётган эканлару камина нонушталарини тайёрлаб бермасак, жавобимни бериб юборардилар.

— Ие, сенга ҳам айтганмидим?— ҳазилни йиғиштириб, унга ўгирилдим.

— Кўпроқ бодом билан ёнғоқ егин, хумкалла!— бошимга “тўқиллатиб” урди у.— Кеча кечқурун “Мен эрталаб Ҳафиза опаникига бормоқчиман”, деган менми, сенми?

— Ҳа-я...— шоша-пиша хонамга йўналдим. Кўчага чиқиб, соф ҳаводан симиргач, тиллоранг қуёш билан кўзимни қисиб саломлашдим.

Бу хаёл суришингда кечгача ҳам етиб боролмайсан! Юқоридаги деразадан “меҳрибоним” кўринди. “Э, бор-е”, муштимни дўлайтирдим унга.

“Янги чиққан қўшиқларининг кассетасидан олиб келгин!”— дугонамнинг овози шаҳарча бўйлаб аксадо берди.

“Ёнғоқ билан бодом эмиш-а? Ўзинг егин, раҳматли момом айтганидек, миянгни тархи очилади”. Биз ўзи шунақа. Ҳамхонам Шаҳло билан аслида жуда қадрдонмиз. Ҳатто бирор тансиқроқ таом бўлса емай, иккинчимизга илинамиз. Фақат баъзан бир-биримизни қайровли гаплар билан сийлаб туришимиз бор-да.

Троллейбусда одамлар сийрак. Бораётган манзилим — халқ эъзозлайдиган, қўшиқларини севиб эшитадиган Ҳафиза опанинг уйи. У ҳаётда ҳам ажойиб аёл. Дам олиш кунларида Ҳафиза опа тайёрлаган чўзма лағмонни тановул қилиб, санъат ҳақида ширин суҳбат қуриш мен учун одатга айланган. Эшикни Ҳафиза опанинг ўзи очди. Қучоқ очиб кутиб оларкан, секин шивирлади:

— Меҳмонлар бор.

Юксак дид билан безатилган хонадаги чарм ўриндиқда алланечук ғамгин бир қиз ўтирарди. Замонавий қилиб

кесилган сочлари эгилганида кулча юзини тегар-тегмас сийпалаб ўтади. Иягидаги қоп-қора холи ҳуснига хусн қўшган. Фақат кўз остидаги билинар-билинемас ажинлари дарди кўплигини айтиб турибди. “Эрон қўшиқчиси Махастини эслатаркан-а”, — ўйладим мен. Нариги ўриндиқда эса сочи баланд турмакланган озгин жувон ястаниб ўтирарди. Бармоқлари орасига қистириб олган сигаретани секин тортаркан, орасида митти чашкадаги кофедан ҳўплаб ҳам қўяди. “Турмагингдан ўргилай, чекиши нима энди?” Қисқа салом-алиқдан сўнг уй бекаси мени тантана билан таништирди.

— Бўлажак журналист, ҳозир талаба. Булар эса, — гагин қизга имо қилди у, — катта ташкилотда котиба бўлиб ишлайдилар. — Навбат тамакининг кўкиш тутунини намойиш қилаётган аёлга етди. — Ҳаётини рақсга бахшида этган сингилларимиздан.

“Аёлни гўзаллик маъбудаси деб тасвирлаган шоирлар бунга кўзи тушса нима деркин? Болалигимда отам билан Россияга сафар қилганимизда, кўрганим бор эди. Лекин ўзимизда...” Раққоса ҳайратланиб қолганимни сезди. Олақараш қилди-да, сигарета кулини кулдонга бир-икки қоқди.

— Ну, вообще яхши иш бўлмади, — қиз томон ўтирилди раққоса мук тушиб ўтирган гавдасини кўтараётди.

Қиз оғир хўрсинди. Қўли билан этагини асабий ғижимлади. Орага ноқулай жимлик чўкди. Бевақт келиб қолганимни гаплари қовушмаётганидан англадим. “Меҳмондорчиликка бало бормиди, ўтиравермайсанми, Шахлонинг ўғитларини эшитиб”, — ўзимни яний бошладим.

Сукунатни Ҳафиза опа бузди:

— Гапираверинглар, қизгинадан яширадиган сирим йўқ. Қолаверса, мен уни яқин дўстим деб биламан.

— Тўй бинойидай бошланган эди, — гуруннга кўр берди раққоса. — Варанглатиб қўшиқ айтиб ташланди, муқом қилиб қошни қоқиш бошланди. — Пойинтар қофиясидан завқи келиб, шарақлаб кулиб юборди.

— Кейин-чи? Кейин?

Овози титраб савол берган қизнинг диққати ошиб бораётганини юз-кўзлари сотиб қўйди.

— Нега нервинчит қиласиз, бўлган иш бўлди, бўёғи синди, — бинойидек насиҳат қилди раққоса. — Жамоа бўлиб кириб келганларингда мен пул йиғиш билан банд

эдим. Вой, столнинг қандай безатилганини айтмайсизми? Табакадан тортиб “Амаретто” коньягигача... Шоколадлару тандир яхналар...— Мавзудан четга чиқиб “ўтлай” бошлади у.

— Битта жимитдек боласининг қўлини ҳалоллаб олишга шунча сарф-харажат-а! Айтишларича, данғиллама икки қаватли ҳовлисини ҳам фалон минг долларга сотиб олганмиш. Хотинининг бўйнидаги дуру жавоҳирлар, олтин тросларни санамоқчи эдим, кўзим қамашди. Тоис, сиз “Эрингни яхши кўраман”, деб чанг солганингизда нечтасиямдир узилиб кетди,— маъноли қошини қоқди раққоса.

— Им-м...

Овоз келган томонга қарадим. Қиз бошини чангаллаб олган, тинимсиз тебранарди. “Буёғи қизиқ бўлди-ку. Наҳотки шундай бўлган?”

— Мен бойлигини сўраётганим йўқ. Ҳаммасини сиздан кўра яхши биламан!— Қиз илкис бошини кўтариб, ғазаб билан ҳар сўзини дона-доналади.— Мен нима қилиб кўйдим, шуни гапиринг!

— Ҳа, ана энди ўзингизга келдингиз!— Раққоса оёғини ўриндиққа йиғиб, жойлашиб ўтириб олди.

— Сиз бир оздан кейин даврага чиқиб хиром этдингиз. Ўшандаёқ кайфингиз ошаётганини сезган эдим-а! Кейин “сарпо кийдиран” бўлди. — Раққоса яна хаёлга берилмоқчи эди, кузатиб турган нигоҳлардан чўчиб, сўзида давом этди:— Бирдан одамлар орасидан отилиб чиқдингиз. Тўй болани кучоқлаб, пул бердингиз. Сўнг: “Ман адангни яхши кўраман”, деб бақира бошладингиз. Боя айтганимдай, хотинига: “Сенинг эринг менинг ҳам эрим”, деб чанг солдингиз. Кейин “у”нинг,— раққоса қўлини бигиз қилиб юқорига нуқиди.— Қачонгача шундай юрамиз, деб бўйнига осилиб олдингиз. Икки йигит кўтариб олиб кетмагунча осили-и-иб туравердингиз. Ишонмасангиз видеони кўринг. Видеочи йигит жуда-а иштиёқ билан тушираётган эди. Да, мастлик — ростлик!— голибона тарзда сўзига яқун ясади. Сўнг қўлидаги қаҳвани охиригача сипқорди. Қиз эса яна бошини чангаллаб олди.

— Эслаяпман, эслаяпман...— У ўриндиқдан сирғалиб ерга тушди:

— Мени зўрлаб ичиришди, ҳа, айнан коньягидан. Бақувват қизсан, икки пиёлани ўйнатворасан-ку, деган ким

эди-я? Каттасининг тўйида ўйнамаган “коллега” бўлмаслиги керак, деб даврага ҳам судрашди.

У ҳар гапирганида оғир-оғир нафас олар, аламидан ерни тимдаларди. — Нима қилиб қўйдим?

“Нақадар тубанлик”, ич-ичимдан нафратландим. “Неча йил йиғиниб, орзу қилинган тўйни бузиш. Устига-устак эл-юрт оғзида гап бўлишдан ортиқ шармандалик борми?” Бир четдан кузатиб турган Ҳафиза опа уни суяб диванга ётқизди. Ошхонадан муздек сув олиб келаётиб, менга хижолатомуз елка қисиб қўйди. Орага яна ноқулай жимлик чўкди. Бирмунча муддатдан сўнг, қиз қаддини тиклади. Мен ҳамон нафратимни яширолмай, унга тикилиб турардим.

— Илтимос, менга ундай қараманг. Фақат бир нарса-ни айтинг.— Қиз синиқ овозда гапира бошлади.— Мана сиз... журналистсиз, демак, ёзаркансиз-а?

— Йўғ-е, ёзишга ҳавасмандман, холос,— ўнғайсизландим мен.

— Бу дунёда бахт бормикан?

Кутилмаган саволни берди у. Ўша пайтда бу жўн савол шундай оғир ва мураккаб туюлдики... Боз устига айни шу дамда бахт бор дея уқтиришнинг ўзи ўта аҳмоқлик эди.

— Ёшим ҳам ўтиб боряпти. Ўттизни қоралаб қолдим. Мен туғилганимдан буён бахтни кутиб яшаётганга ўхшайман.— У келаётган йиғини босиш учун сувдан ҳўплади.— Барча оддий аёллар қатори боламнинг кийимчаларини ювишни ва ҳатто турмуш ўртоғимдан: шимини эгри дазмоллабсан, деб танбеҳ эшитишни қанчалар орзу қиламан...— у кўзларини юмди. Кўз ёшлари сизиб оқа бошлади.— Булар фақат бировнинг бахти эвазига бўлмаслигини биламан. Била туриб шу қабиҳ ишга қўл урдим-а? Бахтсизман, омад юз ўгирган шўрпешонаман...

Қиз ўрнидан турди. Гандираклаганча эшик томон йўналди.

Ортидан раққоса ҳам эргашди.

Ҳафиза опа билан суҳбатлашишга ҳеч қандай иштиёқ қолмаганини мен ҳам, у ҳам сездик. Совуққина хайрлашиб, кўчага чиқдим.

Ҳалигина соф туюлаётган кеч кузнинг салқин шамоли мени бўғаётгандек, оёғим остида эзилаётган хазон япроқлар инграётгандек туюлди. Қулоғимни маҳкам ёпганча ўзимни одамлар орасига урдим...

Бу воқеага анча бўлди. Лекин ҳар эслаганда тамаки ва аччиқ қаҳванинг чучмал ҳиди димоғимга урилади. Қизнинг аламли ва дардли нигоҳи мени таъқиб эта бошлайди. Унинг “Бахт бормикан?” деган саволи қулоғим остида жаранглайверади, жаранглайверади...

## ЭРКАКСИЗ УЙ

— Балки, кетармиз?

Маъсума овоз чиққан томонга елкаси оша ўтирилди. Бир фурсат хонага жимлик чўкди.

— Ҳозир. Охирги иш — енги қолди.

Электр тикув машиналарининг гулдурраган товуши яна хонани тўлдирди. Кетишга чоғланаётган дугонаси Дилобар ҳам кўйлакнинг ёқасини кўндириш учун ишини қайта кўлига олди.

Кўёш ўз ётоғига қайтиш учун шайлана бошлаган, деразадан тушган нур ёғдусида гардлар “рақс” тушарди. Ҳамма жойда мато қийқимлари, бўр парчалари, калава иплар. Бурчакда турган манекен-кўғирчоққа кийдирилган қора кўйлакни эса Маъсума тиккан. Мана ҳозир ҳам у бир муддат ўзи тиккан кўйлакка тикилиб қолди: ахир қанча меҳнати, меҳри сингган. Дарҳақиқат, кўйлак нозик дид билан тикилгани шундоққина кўриниб турар эди. Енгига қадар қопланган қора шокила кўйлакка қандайдир сирлилик бахш этар, пастки қисми майда нақш билан безатилган эди. “Тезроқ келмайдиам эгаси, ҳақимни берарди”, — ичида ўйлаб кўяди гоҳида у. Аслида, кўйлак эрталаб тайёр бўлган эди. Мижознинг ярим кун кечиккани Маъсумага ярим асрдек туюлди. Ўн саккизга — шоирлар “сирли ёш” деб атаган ўн саккизга муҳаббат, ҳаяжон билан эмас, рўзгор ташвишлари билан кириб бораётгани гоҳида алам қилади, муштани қаттиқ тугади.

Ниҳоят, икки дугона ишларини битказиб, кетишга чоғланишди. Ўтиравериш бели қотиб қолган Дилобар “бир, икки” дея аэробика машқларини бажарди. Ўзи шунақа, шаддод қиз. Бир оз тўладан келган бўлса ҳам ҳаракатлари чаққон. Баъзида дугонасини чимчилаб, ҳазил қилишни ҳам унутмайди қургур.

Маъсума эса аксинча, қорачадан келган, қотма, чи-ройли шаҳло кўзлари аллақандай мунг билан боқади. Улар хусусий тикув цехида бирга ишлашади. Ҳозирча буюртма камлиги боис тўртта тикувчига жавоб берилганидан буён икки қиз — Дилобар ва Маъсума тикув машиналари ҳеч тиним билмайди.

Маъсума дугонаси билан кўча бошида хайрлашди. Уйлари йўлагига яқинлашар экан, оқ “Нексия”да ажнабий бир кўшиқни варанглатиб қўйиб ўтирган сарҳуш икки аёл ва бир эркакка кўзи тушди. Кўчадаги ўриндикда кўшни аёллар ўтиришар, бир тўда қий-чув солиб ўйнаётган болаларга:

— Замира, қум сепма!

— Ботир, шатагинг қани,— қабилдаги сўзлар билан танбеҳ бергандай бўлишарди-ю, аслида зимдан Маъсумани кузатишарди.

Маъсума дув қизаринди, шоша-пиша ўзини йўлакка урди.

Наҳотки яна? Яна?

Ҳаллослаб юқорига чикди, эшиклари қия очик. Ғўнғир-ғўнғир товуш уни сергаклантирди, жойида тошдай қотди.

— Опахон, камига биз қарздор.

Эшикнинг қия очик томонида турган аяси остонада қизи турганини ҳам пайқамай, бесўнақай қўл узатган бир даста пулни олди ва шоша-пиша халатининг чўнтагига суқди.

— Хўп, кеп туринглар.

Эшик ланг очилди. Қорин қўйган, лунжлари осилиб тушган эркакнинг нигоҳи аясидан олдинроқ Маъсумага тушди.

— Ие, бу сизнинг қизингизми? Катта бўп қопти-ю... Э, маладес...

Эркакнинг ясама тилла тишлари беҳаёларча ялтираб, ҳирс нигоҳи Маъсумани бошдан-оёқ кузатди.

Қиз деворга қапишгудай бўлиб унга йўл берди.

Онаси кутилмаган бу ҳолатдан бир оз талмовсиради. Сўнг амирона ҳукм қилди:— Уйга кир! Мен укаларингни чақириб чиқаман.

Хонада ароқ ва тамаки аралаш чучмал ҳид ҳукмронлик қиларди. Меҳмонхонадаги стол шундоқ очилиб-сочилиб ётибди. Кулдон тўла сигарета қолдиқлари, ерда алламбало шишаларнинг пўкаклари.



— Қўлинг сингурлар, дадам олиб келган фужерларда ичмай, томоқларингда қолиб кетсин!

Маъсума столда юмалаб ётган биллур стаканларга назар ташлар экан, томоғига аччиқ нимадир тиқилди. Ёқимсиз ҳиддан кўнгли айниб, бирдан ўзини ювиниш хонасига урди. Бу ерда ҳам тартибсизлик. Қордай оппоқ сочиқлар кулранг тусга кирган, совуннинг жойи бежо, ерда чойшаб ғужала бўлиб ётибди...

Маъсума хўрлиги келиб, бармоқ учида жўмракни буради. Муздай сувдан ҳовучлаб ичди. Оёқ учида юриб, ўз хонасига ўтди. Фақат шу хонада мусаффо ҳаво кезиб юрар, ўқув столи устидаги айиқча ғарибгина тикилиб турарди. Маъсума ўзини каравотга отди, тўлиб-тўлиб хўнграй бошлади... Бир қанча муддатдан сўнг бошини ёстиқдан олди, оёқларини букканича ғужала бўлиб, хонани кўздан кечира бошлади. Сочлари паришон, кўзлари салқиб қизарган... Ана, деворга осилган кичкина гиламда отасининг суврати. Худди унга кўз қисаётгандай, жилмаяётгандай. Ёнидаги эски китоб жавонида бадий китоблар. Маъсума уларни жуда яхши кўради. Саҳифалари ёд бўлиб кетган бўлса ҳам қайта-қайта ўқийверади, ўқийверади... Дераза олдида эса оёқли тикув машинаси. Тўғри, эскироқ, лекин балодай ишлайди. Дадаси сотиб олиб берганди. Эҳ, қандай яхши кунлар эди-я?

Ўша куни кечагидай эсида. Дадаси эшикдан бир олам бўлиб кириб келди.

— Қани топ-чи, қизим, сенга нима олиб келдим,— кўзлари чақнаб сўради у. Ошхонада куймаланаётган Маъсума бирдан чапак чалиб, сакрай бошлади.

— Билдим, машина! Машина!— Югуриб бориб дадасининг икки бетидан чўлп-чўлп ўпди. Сўнг пастга, дадасининг машинасига югурди. Телевизордан мультфильм томоша қилаётган укалари нариги уйдан чоғиб чиқиб, болаларча қийқира бошлашди:

— Уре! Машина, машина!

Эндигина атак-чечак қилаётган кенжатой эса уй остонасида туриб, “Можжи, можжи” деб қўлчаларини силкита бошлади... Кейин маълум бўлишича, болапақирлар “Дадам янги машина сотиб олди”, деб ўйлашган. Кичкинтой Шоҳруҳ эса “музқаймоқ” деб тамшанган. Фақат... фақат Маъсума адашмаган эди. Дадаси унинг тикувчи-

ликка ихлос қўйганини кўриб, “Бир куни сенга тикув машинаси олиб бераман”, — дея уқтирган эди.

Мана, дераза олдида турган тикув машинаси ўша порлоқ кунлардан хотира.

Ўшанда онаси мактабда ўқитувчилик қилар, кунора уйга дасталаб дафтар кўтариб келарди. Эндигина юқори синфга ўтган Маъсума дафтар текшириш қандай масъулият эканлигини ҳис қилиб, учта укасига ҳам ўзи қарар, ухлатишгача унинг зиммасида эди.

Онасининг ҳикоя қилишича, улар Маъсумадан сўнг анча йиллар фарзанд кўришмаган. Қаторасига туғилган уч ўғилга эса бўй етган Маъсума энагалик қилишига тўғри келди.

Ҳаёт охиригача шундай ширин ва беташвиш кечиши мумкин эди. Кунларнинг бирида... Бегона кишилар ярим тунда дадасининг қонга бўялган жасадини кўтариб келишди. “Рулда ухлаб қопти, бандалик”, таъзия билдирди улардан бири уввос солаётган аясига. Маъсума ўшанда ошхона эшигининг кесакисига суянганча қотиб турарди. Айни дақиқаларда йиғламади, йиғлолмади. Лекин айрилиқ даҳшатини у отасининг тобутини дўст-биродарлари аёллар фарёди остида елкаларига олганларида ҳис қилди. “Дадажон!” деб чинқирди-ю, тобутга тармашди. Уни ушлаб қолишга интилган кимнингдир қўлини ғарчча тишлагани эсида... Кўзини очиб, ўзини хонада кўрди. Аввалига хаёлини бир жойга жамлолмади. Сўнг отаси энди йўқлиги ёдига тушди-ю, юрагига минглаб игналар санчилгандай оғриқ берди. Инграб, яна ҳушидан кетди...

Кувноқ, хушчақчақ Маъсума ўшандан кейин ўзгарди. Исмига мос бўлиб қолди у. Олийгоҳни кўзлаётган орзулари унинг қалбида бир кун чил-чил синди. Қай куники, дафтарларни отиб йиғлаётган онасини кўрганида, Давлат имтиҳонлари деб жон куйдираётган Маъсума ёлғиз онасига рўзгор юки оғирлик қилаётганини ҳис этди. Олдида очиқ турган китобларни ёпди-да, бориб тикув машинасининг илгақларини ўйчан силади...

Хаёлларига ғарқ бўлиб кун ботганини ҳам сезмапти. Чироқ ярқ этиб ёнди. Онаси унга тикилиб турарди. Маъсума яқин йиллар ичида онасига илк бор яхшироқ разм солди. Ажинлари кўпайибди. Айниқса, кўзларининг ат-

рофида. Рўмол четларидан оқ толалар мўралаб турибди. Онаси унинг мунгли аҳволини кўрди-ю, қўлини белига тиради.

— Яна ўша гапми?

Маъсума йиғлаётган кўзларини яшириш учун озгин кўллари билан бетини ёпди.

— Номус, аяжон... Номус...

Бармоқлари орасидан кўз ёшлари сизиб чиқди. Оғзи журуқшаб, шўр сувлар лабини хўллай бошлади.

— Вох-ха-ха!— Аясининг қаҳр аралаш аламли кулгуси янгради. Маъсума илкис бошини кўтарди.— Ҳали номус қиладиларми?!— Аясининг лаблари пирпираб, кўзлари олая бошлади.— Сен сағирларни боқиш учун бировларнинг чўрилигини қилишимми номус? Мана бу тўрт томони зах олган каталакни бировга ярим соатлик базмга берганимми номус? Севган касбимни ташлаб, эримнинг диванини бериб турганимми номус?!

Аясининг овози хирқирай бошлади. “Қолган-қутгани билан сенларни боқишимми номус?..” У энди чўккалаб қолди. Рўмоли отилиб, муддатидан эрта оқарган сочлари елкасини қоплади.— Дадангнинг ўрнига худо мени олса бўлмасмиди, болам... Ўзимам ор қиламан. Нима қилай, болам, айт? Тиланчиликдан бошқа ҳамма ишни қилдим. Нима қилай, айт, болам, айт, болам, айт, айт...

Аяси ерда думалаб, дардини айтиб-айтиб йиғлар, укалари аясининг бошида қўққайиб туришар, бу аламзада аёлни қандай овутишни билишмасди.

Шу кеч ҳам Маъсума одатдагидай ҳамма жойни супуриб-сидирди, укаларини овқатлантириб ухлатди. Боши қақшаётган онасининг ҳолидан хабар олишни ҳам унутмади. Сўнг қатъий қарор билан тикув машинасининг ёнига ўтирди. Қалашиб турган буюртмалардан бирини тикишга уннар экан, лаблари пичирлай бошлади: “Укаларимни ҳам ўзим боқаман, ухламай тикаман, емай тикаман. Лекин ўзим боқаман!”

Деразанинг очиқ ойнасидан тўлин ой мўралаб турар, алам билан либос тикаётган қизга ҳайрон боқарди. Маъсума чарчади, кўзлари юмила бошлади. Ногоҳ дадажонининг жилмайиб қараб туриши кўз олдига келди. Яна тика кетди. Шақ-шақ-шақ...

— Э, маладес!— кўз олдида турқи совуқ эркакнинг беҳаё тишлари ялтиради.

Шақ-шақ-шақ...

Онаси тўлганиб инграй бошлади: Айт, болам, айт...

Шақ-шақ-шақ.

Кўзлари лим-лим ёшга тўлди, ана, оқиб ҳам туша бошлади. Кўз олди хиралашди. Лекин у тинмай тикаверди. Шақ-шақ-шақ...

Ногоҳ чок ушлаган бармоғи игна остига кираётганини кўрди-ю, лекин оёғини тўхтатолмади.

— А-а-а-а-а-а...

Бармоқдан отилган қон чор атрофга сачради.

## САЙЁРА МУРОДОВА

1975 йилда Жиззах туманидаги Алишер Навоий номи жамоа хўжалигида туғилган. 1996 йилда Жиззах давлат педагогика институтини битирган, биолог. Шу институтда ўқитувчилик қилиш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Микробиология институти аспиранти ҳамдир. Қуйида ёш олиманинг профессор М. Расулов билан ҳамкорликда ёзилган мақоласини ўқийсиз.

---

### **АСАЛАРИЧИЛИК:**

#### **ТАРИХИ ВА КЕЛАЖАГИ**

Асаларичилик етти хазинанинг бири. У халқ хўжалигига қимматли озуқа ҳисобланмиш асал, шифобахш мум ва асалари захри ҳамда елими беради. Энг муҳими, асаларилар гулли қишлоқ хўжалик ўсимликларининг гуллари ни четдан чанглантириб, уларнинг ҳосилдорлигини бир неча марта оширади, ўсимликларнинг ирсий хусусиятларини яхшилайди.

Асаларилар ер юзида яшовчи энг қадимги ҳашаротлардан биридир. Палеонтологиянинг гувоҳлик беришича, улар кайнозой эрасининг учламчи давридан бери ёки инсон юзага келмасдан 55—60 миллион йиллар аввал пайдо бўлган. Инсон юзага келгач эса у мевалар, донлар билан бирга асалари асали билан ҳам овқатланган, чунки инсоннинг дастлабки макони ҳисобланмиш ғорлар ковакларидан, дарахт танасидан сизиб чиқаётган ширин суюқлик — асал инсонни ўзига жалб этган ва у асалари маҳсули бўлган асални қидириб ёввойи асаларига дуч келган. Инсонни асалари билан дастлабки учрашуви инсон яшаган ғорлар деворларига, қоятошларга зарб этилган.

Мана шундай суратлар бундан 15 минг йиллар илгари Валенсия (Испания) шахрининг яқинидаги Магдален қоятошларига зарб этилган бўлиб, икки асал изловчи шотн билан қояга чиқиб, уларнинг бири ковакдан асал-мум уя олаётганлиги ва иккинчиси уларни саватга жойлаётганлиги акс эттирилган.

Осиё асаларичиликнинг энг қадимий ватани ҳисобланади. Қадимий Ҳиндистонда асаларилар муқаддас ҳисобланган. Бу ерда топилган қоятош суратларида Ер ва Куёш худоси Вишку лотос гулида дам олаётган митти асалари тарзида тасвирланган, Кришна эса унинг устида парвоз қилиб турган ҳолда ифодаланган. Севги худоси Кама қўлига камон ўқи ушлаб турибди, камон ипида эса асаларилар занжири бир-бирига туташтирилиб, тасвирланган.

Марказий Осиё ҳам асаларилар хонакилаштирилган энг қадимий маданият ўчоғи ҳисобланади. Фарғона водийси ва Навоий шахри атрофида топилган қоятош суратларида бошига сават кийган асал изловчи тасвирланган, унинг устида эса асаларилар учиб юришгани ифодаланган. Инсон ҳали чайла ва ғорларда яшаб юрган даврлардаёқ Марказий Осиёда асаларилар маҳсули бўлган мўмиёнинг кўплаб топилиши бунга далил бўлади. Ҳақиқатан ҳам мўмиё қазилма ҳолдаги асал бўлиб (Деяков, 1963), Марказий Осиёда бир вақтлар тарқалган ёввойи асаларилар фаолиятининг натижасидир. Мазкур фикрни Марказий Осиё мўмиёшуноси, мўмиё хом ашёси тадқиқотчиларидан бири Исмоилова (1970) ҳам тасдиқлайди.

Мўмиё минераллар билан қўшилиб оқ (оҳак аралашмаси), сариқ (темир аралашмаси), малла (мис аралашмаси), қора (смола аралашмаси) тусда бўлишини Марказий осиелик улуғ мутафаккир А.Р. Беруний ўзининг минералогиясида таъкидлайди. Одамлар тошлар ва дарахт ковагидан оқиб чиқаётган мўмиёга ботиб қолган ҳашаротларнинг бузилмасдан узоқ сақланишини кузатиш натижасида мурдаларни мўмиёлаш усулини ўрганишган ва қабиланинг улуғ кишилари, йўлбошчилар, билимдонлар, саркардалар ва шоҳлар мурдаларини мўмиёлаш шу тарзда юзага келган. Милоддан аввал 3200—2780 йилларда Миср эҳромлари белгиси тарзида асалари нақш этилган. Бундан 2000 йиллар аввал мурдалар асалли идишларга солиб қўйилган.

Одатда мўмиёдан дарахт қолдиқлари топилган; чунки ёввойи асаларилар тут, ёнғоқ, арча, чинор дарахтлари ковагида яшашади, шунинг учун ҳам мўмиёлардан мазкур дарахтларнинг қолдиғи топилади (Попенко, 1963). Бундан ташқари, ўсимлик гулларидан йиғилган нектар (ўсимлик шираси), гул чанги ҳам мўмиёдаги ўсимлик қолдиғи хоссасини эслатади (Чопра, 1958).

Қадимдан Осиёда улкан ҳинд асалариси, митти ҳинд асалариси ва ўрта (ёки оддий) ҳинд асалариси кенг тарқалган бўлиб, улар Форс кўрфазидан Узоқ Шарққача бўлган ҳудудни эгаллашган. Ҳозир ҳам Ҳиндистонда табиатда ёввойи яшовчи асаларилар маҳсули бўлган асал (80 фоиз) истеъмол қилинади. Даствлабки хонакилаштирилган асаларилар айнан шу асаларилардан хонакилаштирилиб, аввал мумкуваларда, сўнг саваткуваларда ва ниҳоят, ўтда куйдирилган сопол мумкуваларда боқилган. Мазкур асаларилардан ҳозирги Осиё асалари зотлари (сарик Эрон асалариси, сарик Кавказ (ёки Кубан) асалариси ва ўрта ҳинд асаларилари) вужудга келган. Эҳтимол, ўрта рус асаларисининг бобокалони ҳам Кубан асалариси бўлгандир.

Марказий Осиёда асаларичилик дарахтдан олинган мумкувадан юзага келганлигини кўрсатувчи қоятош суратларида ҳам ўз ифодасини топган. Мана шундай суратлардан бири асал изловчи дарахт поясида жойлашган кавакдаги асалари уясини кузатяпти, атрофида эса асаларилар галаси худди булутдек учиб юрибди. Бундай қоятош суратлар қадимги инсон макони бўлган ғорлар атрофидаги қоятошларда, кейинчалик эса идиш, буюмларга зарб этилган суратларда кўплаб учрайди. Буларнинг барчаси Марказий Осиё ҳам асаларичилик ватани эканлигининг далолатидир.

Асаларилар фаолиятини яхши ўрганган қадимги асаларишунос олимлар асалари асаланинг шифобахшлиги ва инсон жамияти тузуми асаларилар жамоасининг инъикоси эканлигини қайд этганлар.

Қадимги Ўрта Осиё халқларининг дастлабки ёзма манбаларидан бири “Авесто”да (милоддан 3 минг йиллар илгари) асаларининг асали минг бир дардга даво эканлиги қайд этилган. Платон (милоддан аввалги IV аср), Ксенофан (милоддан аввалги IV аср) она асалари меҳрини уй соҳибаси

меҳрига таққослайди. Аристотель “Ҳайвонлар тарихи” аса-рида асалари биологиясини чуқур таҳлил этади. Платон ва Ч. Дарвин (XIX аср) грек ва англиз аристократлари ҳаёти-ни асаларилар жамоасига таққослаб ифода этадилар.

Марказий Осиё халқлари тарихининг (“Ўзбекистон тарихи”, бир томлик) изоҳлашича, Аҳмонийлар даврида (эрамиздан аввалги IV—V асрларда) ва Кушан империя-си даврида (I—V аср) шаҳарлар харобаларида топилган сопол идишларда одам, от, ҳайвон, қуш, гул, узум, мум-катак суратлари акс эттирилган. Баъзи ҳайкалчалар қўли-да қувача ушлаб турибди. Айниқса, Термиз яқинидаги Айритош “будда” ибодатхонаси пештоқига ишланган ҳай-калчаларда бундай ҳолат яққол ифодаланган. 1380 йилда деворга бўрттириб ишланган мумкатак устида (Миср) она асалари танаси яққол тасвирланган.

Марказий Осиё халқларининг ёзма манбаларида, ху-сусан Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит-турк” (XI аср), Юсуф хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” (XI аср), Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-ҳақойиқ” да (XII аср) асал-ари асали (асал, бол, шаҳд)нинг инсонга фойдаси ва асалари жамоасининг инсон ҳаётига ибратомузлиги кўрса-тилади. Ал-Хоразмий, А. Форобий, А. Беруний, Абу Али ибн Сино асарларида асалнинг шифобахшлиги, айниқ-са, ички хасталикларни даволашда, суяк синишига қар-ши даво бўлиши кенг тарғиб этилади. Ибн Сино асарла-рида эса бу кўрсатмалар амалиётда қандай қўлланиши аниқ ифодаланган.

Марказий Осиёга рамали асалари уялари XIX асрнинг ўрталарида Россия ва Қозоғистондан келтира бошланган. Хусусан, 1848 йили Еттисувдан (Семипалатинск вилоя-ти) Тошкентга 12 та асалари уяси келтирилган. 1892 йили Олма-Отадан Самарқандга бир неча асалари уяси келти-рилган. Бу асалариларнинг барчаси ўрта рус асалари зоти ва унинг ирқларидан бўлиб, улар Марказий Осиё, хусу-сан, Ўзбекистон иқлимий шароитига тез ўрганиб, ри-вожлана бошлади ва тез орада мазкур экологик муҳит-нинг маҳсулига айланди. Кейинчалик улар Ўрта Осиёнинг маҳаллий мумкували асалариларини сиқиб чиқарди ва ўзлари асаларичиликнинг асоси бўлиб қолди. Маҳаллий ёввойи асаларилар ҳозир ҳам Марказий Осиёнинг баъзи жойларида ёввойи ҳолда сақланиб қолган.



Ҳозирги XXI аср бўсағасида инсоният олдида иккита муҳим оламшумул муаммо кўндаланг бўлиб турибди: бу илмий техника тараққиёти вужудга келтирган имкониятларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш ва табиатни муҳофаза этиш муаммоларидир.

Бу ҳар иккала муаммони ҳал этишда ва уни амалга оширишда асаларини қишлоқ хўжалик ўсимликларининг гулларини четдан чанглантиришда қўллаш масаласи муҳим аҳамиятга эгадир.

Марказий Осиё асаларичиликни ривожлантириш нуқтаи назаридан олганда, экологик қулай шароитга эга. Бу ҳудудда деҳқончилик ривожланган, кўп қисми тоғ, тоғ олди, адир, ўрмон минтақасида жойлашган бўлиб, гулли ўсимликларнинг турли-туманлиги, шу ҳудудда асал ва гул чанги берувчи гулли ўсимликларнинг 6000 га яқин тури тарқалганлиги, шу билан бирга қишлоқ хўжалигида бир йилда бир неча марта ҳосил олиш имкониятининг мавжудлиги асаларичиликни ривожлантиришда катта имконият мавжудлигидан далолатдир. Ўрмончиликнинг, боғдорчиликнинг, полиз ва сабзавотчиликнинг ривожланганлиги, мўл-кўл асал берувчи ғўза, беда, соя, махсар, кунгабоқар, кунжут каби ўсимликлар майдонларининг кенгайтирилиш шароитлари мавжудлиги асал олиш имкониятини янада оширади. Булардан ташқари, мазкур ҳудудда цитрус ва тропик минтақасида ўсадиган доимо гулловчи гулли ўсимликларни ўстириш имкониятлари мавжудлиги ҳам асаларичиликни ривожлантириш имкониятларини янада оширади.

Асаларичилик Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида муҳим ишлаб чиқариш ва хом ашё етиштириб берувчи соҳадир. Шу билан бирга, асаларичилик ўзини-ўзи тўла қоплай оладиган даромадли соҳадир. Энг муҳими, инсон саломатлиги нуқтаи назаридан асаларичилик маҳсулотлари ҳисобланмиш шифобахш асал, мум, асалари сути, асалари заҳри ва асалари елими етиштириб берадиган халқ хўжалигининг муҳим ишлаб чиқариш соҳасидир.

Асаларилар қишлоқ хўжалиги ўсимликларини гуллардан нектар (гул шираси) ва гул чанги йиғиш баробарида гулларни четдан чанглантириб, ҳосилдорликни бир неча ўн баробар оширади. Шу нарса ҳам аниқки, асаларилар-

дан олинадиган асал, мум, асалари сути, захри, асалари елимларидан олинадиган иқтисодий фойдага нисбатан асаларилар гулларни четдан чанглантириб келтираётган фойдаси 20—30 марта ортиқдир, чунки асаларилар ёрдамида чангланган ўсимликларнинг ҳаётий хусусиятлари яхшиланади. Бу борада асаларилар ўта машаққатли юмушни бажаради. Битта асалари умри (ўртача 21 кун) давомида 4 г. асал ва 1,5 г. гул чанги йиғади. Ҳар бир асалари оиласи 1 кг. асал йиғиш учун 10 миллион гулга кўнади. Агар ҳар бир гул ўз фаолияти давомида 0,5—0,9 мг. нектар ишлаб чиқариши ҳисобга олинса, асаларилар бу борада қандай машаққатли меҳнат қилиши ўз-ўзидан маълум бўлади. Ёки ҳар бир асалари оиласи 100 кг. асал тўплаш учун мавсум давомида 400 кг. нектар йиғиши идрок этилса, асалариларнинг қандай кўламли меҳнат бажаришини киши кўз олдига келтириши мумкин.

Бунинг учун ҳар гектар экиладиган қишлоқ хўжалиги зироати ҳисобига камида 1—2 та асалари оиласи билан таъминланган бўлиши лозим.

Бироқ республикамызда асаларичилик талаб даражасида ривожланган эмас. Жумладан, илмий-тиббийёт муассасалари тавсиясига биноан жаҳондаги ҳар бир одам бир йилда 1,8 кг. асал истеъмол қилиши зарур бўлса, республикамызда ишлаб чиқарилган асал бир одам ҳисобига 300 г. га ҳам тўғри келмайди. Шу нуқтаи назардан 1980 йили асаларилар оиласи 120 мингга етган, 2000 йилга бориб эса бу рақам 2—3 мартага ошиши зарур эди. Турли сабабларга кўра асаларилар оилалари миқдорининг ўсиши талаб даражасида бўлмапти. Булардан кўриниб турибдики, ҳали бу борада кўп ишлар қилиниши керак.

Мана шуларни кўзда тутиб, ҳозирги вақтда асаларичилик ривожланган мамлакатлар ташаббуси билан Халқаро асаларичилик федерацияси ташкил этилди. Мазкур федерация ўз таркибига 47 мамлакатни бирлаштиради, унинг қарамоғида 41 миллион асалари оиласи мавжуд. Жаҳон асаларичилик федерациясининг биологик фонди 48 миллион асалари оиласидан иборат. Ҳозирги вақтда асаларичилик юксак ривожланган мамлакатлардан АҚШ, Франция, Италия, Чехия, Словакия, Канада, Руминия ва Россияни кўрсатиш мумкин. Мазкур мамлакатлар ҳар йили бир неча миллион тонна асалари маҳсулотини Жа-

ҳон бозорига экспорт қилади, шу билан бирга Жаҳон асаларичилик федерацияси ташаббуси билан унинг махсус органи “Апимондия” (Асаларичилик) халқаро журнали, “Асаларичилик” реферат (Ахборот) журнали чоп этилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатларда асаларичиликни янада ривож топтириш ва бу борадаги тажрибаларни кенг ёйишга қаратилгандир.

Республикамизда асаларичиликни зарурий техника ва ашёлар билан таъминлашни йўлга қўйиш асал берадиган гулли ўсимликлар майдонларидан унумли фойдаланишга эришиш ва ихтисослашган махсус асаларичилик хўжаликларини кўпайтириш кўзда тутилган. Ҳозирги вақтда бундай хўжаликларнинг сони 15 тага етди, улардан Тошкент вилоятининг “Нанай”, Самарқанд вилоятининг Каблуков номидаги ва Сурхондарё вилоятининг “Сурхон” асаларичилик хўжаликларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Асаларичилик кадрларини кўпайтириш ва уларнинг савиясига эътибор бериш, замонавий билимлар билан қуроллантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, асаларичиликнинг офати ҳисобланган ва кундан-кунга авж олаётган асалари касалликларининг олдини олиш, қишлоқ хўжалик ўсимликларини ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган заҳарли моддалардан эҳтиёт қилиш, минерал ўғитлардан тежаб-тергаб фойдаланиш мамлакатимизда асаларичиликнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатишини унутмаслик керак.

Энг муҳими, республикамизда мавжуд асалари оилалари миқдорини ҳар йили 3 фоиздан кўпайтириб бориш ҳисобига ҳам 2010 йилларга бориб улар сонининг камида 200 минг оилага етишини таъминлаш мумкин бўлади. Шундай қилинганда мамлакатимиз аҳолисининг шифобахш ва тўйимли озуқа — асалга бўлган эҳтиёжини қондириш, асаларидан олинадиган хом ашё миқдорини янада кўпайтиришга эришиш имконияти юзага келади.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик гулли ўсимликлари маҳсули бўлган нектар ва гул чанги тўплашни тўлалигича таъминлаш, уларнинг бекорга исроф бўлишининг олдини олиш мақсадида асаларилар оилалари сонини, ҳеч бўлмаса минимал даражасига, яъни ҳар бир гектар майдондаги гулли ўсимлик ҳисобига битта асалари оиласи билан таъминлашга эришиш зарур.

## **ГУЛҲАЁ ЭРГАШЕВА**

1990 йилда Шахрисабз шаҳрида туғилган. 1995 йилда Х. Деҳлавий номли мактабнинг 1-синфига ўқишга қабул қилинган. 1997 йил Амир Темур номли 88-гимназия мактабининг 3-синфига, ундан 5-синфига аъло баҳолар билан кўчирилган. Гулҳаё ҳозир мазкур гимназиянинг 7-синфида ўқимоқда. Ўтган йили “Насаф” нашриёти “Кўзумчоч” номли шеърлар тўпламини чоп этди.

---

### **ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА АТАБ**

Юртбошимиз доно сўзлари билан,  
Ҳаттоки сермаъно кўзлари билан,  
Буюк келажакни кўзлагани он  
Ёрқинроқ кўринар бу Ўзбекистон.

### **ЎЗБЕКИСТОН**

Бизнинг ватанимиз Ўзбекистондир,  
Бепоён бағрингда ўйнаб қувнаймиз.  
Азим Тошкентимиз мисли жаҳондир,  
Чексиз боғларига боқиб тўймаймиз.

Эй, гўзал Ватаним, сен жону таним,  
Бошингда нур сочар истиқлолимиз.  
Мустақиллик сари қутлуғ қадаминг,  
Демак чорламоқда ўз иқболимиз.

### **ВАТАНИМ**

Менинг гўзал Ватаним,  
У менинг жону таним.  
Ўзбекистон Ватаним,  
Мустақилдир қадамим.

## АКАМГА

Дунёда аканинг йўқлиги қийин,  
Шукр қиламанки, акам борига.  
Менинг акажоним, сизга ҳам қийин,  
Чунки акажонимнинг акаси йўқ-да.

## ОЛМА

Менинг опам олмаларни  
Фарч-гурч этиб тишлайди.  
Менинг эса олмаларга  
Тишларим ҳеч ўтмайди.

\* \* \*

Бир кун денг, ойижоним  
Пиширдилар ширин овқат.  
Мушугим пойлаб келиб,  
Еб қўйибди очофат.

\* \* \*

Менинг дадам зўр қассоб,  
Ҳўкизларни сўяди.  
Менинг эса ҳўкизларга  
Жуда раҳмим келади.

\* \* \*

Олмалар қизил бўлиб,  
Пишибди ширин бўлиб.  
Бу олмадан есангиз,  
“Қандай мазза!” десангиз.  
Боғбон бобом шод бўлур,  
Қалби қувончга тўлур.  
Боғдаги қизил олма  
Ўзига чорлаб турур.

## ОНА

Онажоним, меҳрибоним,  
Жонажоним онажон.  
6-1120

Вужуддаги митти жоним  
Сизсиз яйролмас бир он.

Азизликда оламга тенг,  
Бағрингиз ҳам дунёдай кенг.  
Ардоқлабсиз гуллар каби,  
Яйра, юксал, улғайгин деб.

### ШАҲРИСАБЗИМ

Шаҳрисабзим — менинг диёрим,  
Зафарларга кондир маконим.  
Темурдайн етти иқлимни  
Довруғи-ла тутган Ватаним.

### УСТОЗ АБДУЛЛА БОБОМГА

Бобожоним, сиз соғ бўлинг,  
Ёшларга устоз бўлинг.  
Шеърлар ёзинг, ёд олайлик,  
Сиз эшитиб шод бўлинг.

Ўзбекистон мадҳиясин ёзибсиз,  
Келажакни янги шеърга солибсиз.  
Биз ёшларга зўр шеърларни ёзибсиз,  
Биз мириқиб ўқиғаймиз шеърларингиз.

Қутлуғ бўлсин улуғ ёшингиз,  
Омон бўлсин доно бошингиз.  
Юртимизга шодликни куйлаб,  
Узоқ бўлсин умр ёшингиз.

Қаҳрамонлик муборак бўлсин,  
Қаламингиз йўрғалаб юрсин.  
Бизга аталган шеърларингиз  
Доим юрак тубида турсин.

### ДЎСТИМ КИТОБ

Эй, дўстим китоб,  
Билим бер тезроқ.

Бўлай талаба,  
Қилай талаба.

Эй, дўстим китоб,  
Қилайин хитоб.  
Бергин сен таълим,  
Ошсин билимим.

Эй, дўстим китоб,  
Қилмагин уят.  
Билим бер менга,  
Раҳмат дей сенга.

## ЗУЛХУМОР МАҲМУДХҲҲЖАЕВА

1979 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти молия факультетининг 4-курс талабаси.

Корхоналар фаолияти ва банк тизимининг ўзаро муносабатлари бўйича илмий ишлар олиб боради. “Молия назарияси” фани бўйича вилоят ва республика олимпиадаларида юқори ўринларни эгаллаган. “Иқтисодда математик графиклардан фойдаланиш”, “Хом ашё базаси ва қайта ишлаш корхоналарининг интеграцияси” каби илмий ишлари бор. Қуйида “Корхоналарнинг банклар билан муносабатлари ва уларни такомиллаштириш йўллари” илмий ишидан бир бобини бераётимиз.

---

### ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ УСУЛ ВА ҚОИДАЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритувчи субъектларга тижорат банклари “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунига ҳамда бошқа меъёрий ва қонун ҳужжатларига мувофиқ кредитлар беради. Бу кредитлар қайтариш, ҳақ тўлаш, таъминланганлилик, муддатлилик ва мақсадлилик шартлари асосида берилади.

Кредитлар “Корхоналар тўғрисида”ги қонунга тааллуқли бўлган юридик шахс мақомини олган, ўз сармоясини ва мустақил балансига эга бўлган, мулкчилик шаклидан қатъий назар, кредитларни шартнома асосида берадилар.

Тижорат банклари томонидан кредитлар бериш улардаги кредит ресурслари чегарасида амалга оширилади.

Тижорат банклари қарз олувчилар билан муносабатларини ўзлари шакллантирадилар, яъни ссуда маблағидан унумли фойдаланишни таъминлайди ва аниқ бир корхона учун мақсадли кредит бериш моделини қўллай-



ди. Шу билан бирга кредит бериш объектларини ҳал қилиш кредит ёрдамида амалга ошириладиган фаолиятларнинг унумлилигини ошириш, бериш тартиби, кредитни ишлатиш ва қайтариш, кредит учун бериладиган фоиз миқдори, кредит шартномаси шартларининг бажарилишига боғлиқ равишда бу ставка ўлчами чегарасини орттириш ёки камайтириш каби масалаларни, иқтисодий рағбатлантириш чораларини ва қонунчилик ҳамда Марказий банк меъёрий ҳужжатларига мос равишда ўзи мустақил ҳал қилади.

Кредит бериш жараёнида тижорат банклари иқтисодий ислохотларни, ундан ташқари давлат ва халқ манфаатларини белгиловчи халқ ҳўжалигида устун тармоқларни қўллаб-қувватлашни амалга оширади.

Кредит беришнинг асосий шартлари қарз олувчининг потенциал ишончлилиги ва кредит билан унга тўланадиган фоизларни тўлай олмаслик хатарини башорат қила олиш ҳисобланади. Хатарлар қарз олувчининг маблағ билан таъминлаш ҳолати ёмонлашуви унинг фаолиятида ҳисобга олинмаган қийинчиликлар пайдо бўлганда, корхона маъмурияти етарлича бошқариш қобилияти бўлмаса, кредит бериш ва бошқа ҳолларда банк хизматчисининг етарлича малакаси бўлмаганда пайдо бўлиши мумкин.

Кредит беришда хатардан ҳимояланишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Кредитни лимитлаш.
2. Кредит беришни диверсификациялаш.
3. Кредит олувчининг кредит олиш қобилиятини ўрганиш ва баҳолаш.
4. Кредит бериш жараёнини суғурта қилиш.

Кредитни лимитлаш — қарз олувчига банкда кредит олиш имконининг берилиши билан, уни олиш ҳуқуқига эга бўладиган кредитнинг чегара суммасини аниқлаш йўли билан амалга оширилади.

Кредитни диверсификациялаш — кредитни беришда ҳўжалик юритувчи турли хил субъектлар орасида тўпланган пул маблағларини тақсимлашдан иборат.

Қарзни қайтариб олишдаги тезкорлик тижорат банкларининг қарз олувчи билан то кредитни қайтариш муддатигача алоқани узмаслик.

Кредит бериш жараёнини суғурта қилиш кредит беришда банкнинг суғурта жамғармаларини ташкил этиши.

Кредит банкнинг кредит бериш комиссияси қарорига асосан берилади.

Кредитнинг қайтарилмаслик хатарига йўл қўймаслик мақсадида қарз олувчи, агар кредит ишонч асосида берилмаётган бўлса, унинг таъминотига эга бўлиши керак. Бундай таъминотга қуйидагилар киради: пул ва қимматли қоғозлар гарови, кафиллик ва кафолат.

Тижорат банклари корхоналарга кредитларни таъминотсиз ёки таъминот билан бериши мумкин.

Таъминланган ва таъминланмаган қарзлар алоҳида ҳисоб варақларидан, контокоррент қилиб ҳисоб варағи, овердрафт бўйича “кредит линиясини очмасдан” корхоналарга алоҳида қарз ҳисоб варақалардан берилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг алоҳида ҳисоб варағидан “кредит линиясини очилмасдан” кредитлаш бир марталик қарз бериш йўли билан амалга оширилади.

Контокоррент кредитни банк молиявий жиҳатдан барқарор бўлган хўжалик юритувчи субъектларга беради. Бундай ҳисоб варағи кредит шартномасига мувофиқ очилади ва мижознинг банкнинг барча турдаги операцияларини бажарадиган ягона ҳисоб варағи бўлиб хизмат қилади. Мазкур ҳисоб варағи актив пассив ҳисобланади, яъни унда актив қолдиқ ҳам, пассив сальдо ҳам бўлиши мумкин. Контокоррент ҳисоб варағи очилаётганда қарз олувчининг ҳисоб-китоб варағи ёпилади. Қарз олувчи контокоррент ҳисоб варағи бўйича кредитдан белгиланган кредит лимити доирасида фойдаланилади. Кредитлаш лимити суммасига банкнинг кафолат мажбуриятномаси расмийлаштирилади.

Овердрафт контокоррентнинг алоҳида шакли ҳисобланади. Унинг ўзига хос томони шундаки, банк мижозга қисқа вақт давомида унинг ҳисоб-китоб варағидан дебет сальдоси бўлишига рухсат этади. Овердрафт фойдаланиш ҳуқуқи, қонда тариқасида энг ишончли мижозларга берилади.

Ломбард кредити асосий фаолиятига тааллуқли товар моддий бойликлари, бажарилган ишлар ва кўрсатилган

хизматлар ҳақиға тўлаш учун қимматли қоғозларни гаровга олиб, алоҳида қарз ҳисоб варағидан бериладиган қисқа муддатли қарздор. Ломбард кредити таъминоти қуйидагича гаров шартномаси расмийлаштирилиб берилиши мумкин:

1. Давлат қимматли қоғозлари.

2. Бошқа эмитентларнинг акциялари ва облигациялари, векселлари ва депозит сертификатлари.

Банкнинг ўз акциялари гаров сифатида қабул қилиниши мумкин эмас.

Қимматли қоғоз катировкаланаётганда унинг курс ҳаттини белгилаб берувчи қимматли қоғозлар бозоридаги биржа курси ўзгаришлари муносабати билан қимматли қоғозларнинг гаров қиймати биржа қийматининг 80 фоиздан, катировкаланмайдиган қимматли қоғозлар гаров қиймати 60 фоиздан ошмаслиги зарур. Давлат қимматли қоғозлари рейтинги юқори даражада бўлганлиги боис улар гаровга қабул қилинаётганда бериладиган кредитнинг юқори суммаси улар гаров қийматининг 90 фоизини ташкил этади. Қарз олувчининг фонд бозоридан сотиб олинган бошқа қимматли қоғозлари гаровга олинаётганда кредит юқори суммаси унинг гаров қийматининг 80 фоизига етиши мумкин.

Тижорат банкнинг ўзи хизмат кўрсатаётган мижозлар фаолияти тўғрисида доимий ахборотга эга бўлиши, унинг кредит қобилятини, тўлов интизоми аҳволини таҳлил қилиб бериш, яъни “маълумотлар банки” барпо этиши лозим.

Кредитлаш жараёнида иқтисодий иш кредит шартномаси шартларини бажаришга, қарз олувчи олинган кредитдан самарали фойдаланишга, уни ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришга, кредитдан фойдаланиладиган бутун давр мобайнида қарз олувчи билан яқин алоқа сақлаб туришга қаратилиши керак.

## РОЗИЯ ТОЖИЕВА

1975 йилда туғилган. 1997 йилда Қарши маданият техникумини битирган. Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги марказий кутубхонага қарашли 6-қишлоқ кутубхонаси мудираси. Хонанда ва раққоса, моҳир тарғиботчи, сценарийлар муаллифи.

---

### *Сценарийлар*

#### **ЎЗБЕКИСТОН — ОНА ЮРТИМ**

Марказий маданият уйининг катта сахнаси ва зали кечага мос равишда безатилган. Саҳна тепасига “Ўзбекистон — она юртим” шиори осилган. Чап томонда кутубхона ходимлари томонидан “Ўзбекистон келажаги буюк давлат” деган мавзуда китоб кўргазмаси чиқарилган. Ўнг томонга овоз кучайтиргич ва ўртада микрофон жойлаштирилган. Аста Ўзбекистоннинг мадҳияси янграй бошлади. Мадҳия охирлаша бошлагач, кечани кириш сўзи билан марказий кутубхона директори ўринбосари Тановар Жалолова бошлаб беради.

— Ассалому алайкум, кечамиз қатнашчилари, азиз опасингиллар, ака-укалар. Бу ерга йиғилишимизнинг боиси Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллик тўйини нишонлаш арафасидаги тараддуддир. Шу тўйга бизнинг марказий кутубхона ва клуб ходимларимиз “Ўзбекистон — она юртим” мавзусида кеча тайёрлашган. Ўзбекистон мустақиллиги ҳар бир хонадонга бахт келтирсин, тан-жонларингиз соғ бўлсин, замонамиз тинч бўлсин.

**Бошловчи:** — Ўзбекистон дўстлик диёри,  
Фаниматдур дўстлар дийдори.

Мустақиллик қуёши боқий,  
Дилда янграр ватан алёри!  
Ранг-барангдир тилларимиз ҳам,  
Муштаракдир дилларимиз ҳам,  
Қон-қардошлик севги туфайли,  
Нурафшондир йўлларимиз ҳам.

Ассалому алайкум, Нодирадек зукко, Ферузадек оқила азиз опа-сингиллар! Ўзбегимнинг бошига дўппи кийган мард ўғлонлари! Мустақил Ўзбекистонимизнинг 8 йиллик тўйи бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Мустақиллик — бу озодлик, эркинлик сўзлари билан шунчалик уйғунлашиб кетганки, буни фақатгина чин кўнгилдан чуқур англабгина қолмасдан, унинг қадрига ҳам етишимиз керак. Мустақиллик — бу аждодларимизнинг азалий орзуси эди. Бу йўлда Темур Маликдек, Паҳлавон Маҳмуддек, Намоз паҳлавондек, қанчадан-қанча аждодларимиз фидойилик қилмадилар, дейсиз. Дукчи эшон қўзғолони, Жиззах қўзғолони, буларнинг ҳар бири алоҳида тарих.

*Ашула: “Ўзбегим”, ижро этади Тўлқинжон Бектошев.*

Бошловчи: — Дийдорингга тўйяй деб,  
Кўриб ором олай деб,  
Дала-тузни тўлдириб,  
Лола бўлиб чопгандим,  
Бола бўлиб чопгандим.  
Чўлпон эдим осмонда,  
Аямасдан уздилар.  
Кўкайимни уздилар,  
Жайронгинам, Истиклол!

Дунё бўлдики, бизнинг халқимиз ҳеч қачон меҳнатдан қочмаган. Ўзимизнинг меҳнатимиз билан етишиб келаётган авлодларимизга яхши ишлаб, фаровон яшашлари учун замин яратиб берайлик. Токи меҳнат кетидан топилган ноннинг таъми ширин бўлишини аждодларимиз ҳам англаб етсинлар.

*Ашула: “Ватанимни куйлайман”, ижро этади Бекмуроджон Сафаров.*

Бошловчи: — Мустақиллигимиз 8 баҳорни кўрди. Неча минг йиллик тарихга эга Ватанимизнинг эркини қўлга киритганига бор-йўғи 8 йил бўлди, лекин йил-йилга ўхшамайди, кун-кунга, деганларидек, ўтган йилларимизга тошу тарозу қўйилса, айрим асрларни ҳам босиб кетиши аёндыр.

Элда бориди сўнмас куч-қувват,  
Шундан озод халқим бақувват,  
Бу тинчлигу бахтдан нишона,  
Ярқирагай ҳар бир пешона.  
Недан бунча шодумон халқим,  
Нега баланд унинг қувончи,  
Қайга кетди ундан қайғу-ғам,  
Нега йўқдир қатра ғам-алам?

“Маънавият ва маърифат” марказининг раҳбари Абдуҳақимовга сўз.

Абдуҳақимов:— Азиз китобхонлар, муҳтарам аёллар! Ҳа, мен ўзбекман! Яъни ўзига бекман! Мустақилман, Эркинман, Ҳурман! Ҳур ва озод Ўзбекистон деган жарангдор сўзлар нақадар серфайз, сермаъною фусункор! XX асрнинг сўнгги пиллапояларидан туриб, навбатдаги қутлуғ XXI асрга тафаккур кўзлари ила боқамиз. Бу шонли Ўзбекистонимни дунёдаги энг тараққий этган мамлакатлар қаторида кўриб, қувончдан энтикиб кетаман. Халқимизнинг фаровонлиги, дастурхонининг тўкинлиги шундоқ кўз олдимизда намоён бўлади. Хонадонлари шоду хуррамликка тўла диёрим хиёбонлари, боғу роғлари байрам либосида.

Ҳамсоя яшасам майли ким билан,  
Ҳамнафас бўлсам бас ўз юртим билан.  
Мангу бирга бўлай охиратда ҳам,  
Ўзбек номин олган шу халқим билан.

Ҳурлик байрами қутлуғ бўлсин, азиз Ватандошлар!

Бошловчи:— Раҳмат, маъноли сўзларингиз учун сизга миннатдорчилик билдирамиз.

Қайдан эли қилар катта тўй,  
Кураётир баланд-баланд уй.

Ким бергандир белларга қувват,  
Ким кўрсатди улуғ мурувват.  
Саккиз йил бу юз йилларга тенг,  
Қилиб олам аро бағрин кенг,  
Буюк ишлар бажо айлади —  
Йўлбошчисин билиб сайлади.

*Рақс:* “Дилхирож”, ижро этади Фарҳоджон Отамуродов.

— Шундай кунларга шукр, — дея сўз бошлайди марказий кутубхона раҳбари Облоқул Сафаров, нечунким, бу шонли кунларни орзу қилиб, унга етолмай армонда кетганлар беҳисоб. Шу улуғ айём кунларида Чўлпон, Фитрат, А. Қодирӣ, Авлоний, Беҳбудий каби истиқлол қурбонларининг мўътабар номларини ҳурмат билан ёд айламоқдамиз. Юртим деб, халқим деб ёниб яшаганларнинг охирати обод бўлсин, деб яратгандан сўрамоқдамиз ва уларнинг насиҳатларию васиятларига мувофиқ, шу мақсадда муқаддас Ватан, шу заҳматкаш халқ учун бутун борлигимизни бахшида этамиз. Оллоҳ насиб этган улуғ неъмат — Истиқлолнинг янада мустаҳкам ҳамда қудратли бўлиши ҳақида ўйлайман. Она Ватан, она халққа бўлган муҳаббатимиз янада авж олаверсин, камол топаверсин, деб Истиқлолнинг яқинлашиб келаётган 8 йиллик байрами билан чин дилимдан муборақбод этаман.

**Бошловчи:**— Ўша улуғ инсон иймонли,  
Ҳар бир ишни қилар иймонли.  
Унинг учун халқи улуғдир,  
Унинг учун адолат туғдир.  
У Ватаннинг ривожин берди,  
Эзилган халқ кўкрагин керди.  
Ана, келди қандай катта бахт,  
Бир умрга синмагай бу тахт.

*Ашула:* “Ўзингдан қўймасин халқим”, ижро этади Алишер Муҳаммадиев.

Эл бошига иш тушса, у кетгувчидир,  
Чидаймиз-да, бу заҳматлар ўткинчидир.  
Хурлигинг ҳам қолган, бари ўтаверсин,

Бу дунёда энг ёруғ бахт эл тинчидир.  
Айирмасин беминнат нон-тузингдан-а,  
Ўзингдан қўймасин халқим, ўзингдан-а.

**Бошловчи:**— Шунинг билан “Ўзбекистон — она юртим” мавзусидаги адабий-муסיқий кечамиз ниҳоясига етди. Ҳаммаларингизга соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

## ҚИЗ БОЛА ИДРОКИ БИЛАН ГЎЗАЛ

Кеча ўтказиладиган ўқув хонаси тематик кечага мос равишда безатилган. Эшикдан киришда чап томонга “Қиз бола идроки билан гўзал” деган мавзуда китоб кўргазмаси ташкил этилган. Эшикнинг ён томонига марказий маданият уйининг бир қанча муסיқачилари жойлашган. Ўнг томонида уй ҳамширалиги курсида ўқиётган бир гуруҳ талаба қизлар ўтиришибди. Кечани маданият уйининг ходими Шерзоджон Жумаев “Эркам, бугун сен туғилган кун” ашуласи билан бошлаб берди. Ашула тугагач, бошловчи чиқиб келади.

**Бошловчи:**— Ассалому алайкум, қалби баҳор янглиғ гўзал, мунис юзларидан нур таратиб турган лобар қизлар! Ассалому алайкум гулчечакдек иболи, туришлари зеболи, ҳуснида латофат уфуриб турган гўзал қизлар! Мана бугун сизлар билан ўқув хонасида йиғилишимизнинг боиси “Қиз бола идроки билан гўзал” деган мавзудаги кечамизни ўтказмоқчимиз.

Салом, менинг азиз дугоналарим,  
Азизим, севарим, чеварим қизлар.  
Эй, тоза қалбимнинг ошнолари,  
Куйларим илҳоми, севарим қизлар!

Илк бор сўз навбатини марказий туман шифохонасининг ёш қизлар билан иш олиб борувчи шифокори Шарват Йўлдошевага берсак.

**Шарват Йўлдошева:**— Ассалому алайкум, даврамизнинг гулгун қизлари, ҳурматли китобхонлар, мунис сингилжонлар. Мана бугун марказий кутубхона қизлари “Қиз бола идроки билан гўзал” деган мавзуда кеча ташкил этишган. Мен бу кечага таклиф этилганимдан бе-



ниҳоя хурсандман. Қиз болага асосан она тарбия беради. Бунинг учун эса унинг ўзи тарбияланган бўлиши керак. Бироқ... қизимни яхши бека бўлишига тайёрлашга лойиқ онаманми, ҳаётини тажрибаларим, руҳий қувватим шу масъулиятни бажаришга етармикин, дейдиган оналар кўпми, озми? Айтайлик, мен, сизлар, улар... қиз ўстиряймиз... айна шу савол дилимиздан кечадами?

Англадимки, бугун бўйига бўй, ўйига ўй қўшилаётган қизларимизнинг қалб дунёсини жисмоний-руҳий ўзига хосликларини, турмушда унга дуч келган масалаю муаммоларга муносабатни шакллантиришни ўзим ҳам бундан ўн йиллар илгари ўрганишим жоиз экан. Қадрли сингил-жонлар, сизларга маслаҳатим, уйда ҳам, кўчада ҳам юрганингизда қиз болага хос бўлган ҳаё билан, ибо билан юринглар. Қанчалик ширин сўзли бўлсангиз, инсонларни ҳурмат қилсангизлар, шунчалик ҳуснингизга ҳусн қўшилади. Мен мана шу ерда ўтирган қизларимизга соғлиқ-саломатлик тилаб, иш ва ўқишларида омад, баркамоллик тилаб, сўзимга якун ясайман.

**Бошловчи:**— Кўнгилли ва мазмунли суҳбатингиз учун катта раҳмат.

*Ашула:* “Тановар”, ижро этади Тўлқинжон Бектошев.

**Бошловчи:**

Қиз кўнгли асли нозик, бўлмас унинг қиёси,  
Ийманса лол бўлгай тонгнинг майин сабоси.  
Ҳар ғунча гул бўлур ҳам бўлгай у тез паришон,  
Минг-минг чамандин аъло қиз жилваси — ибоси!

Сўз навбати Шаҳноза Фаниевага.

**Шаҳноза Фаниева:**

Қўллар чевар, дили ҳам наққош эрур чиройга,  
Олам гўзаллигидан бир парчадир либоси,  
Тунларни қараганда равшан этур жаҳонга,  
Умид кўзи-ла боққай кўзлардаги зиёси.

Муҳтарама дугонажонлар, мана бугун кечамиз қизигандан-қизиб кетди. Мен ҳам дугоналаримга — қизларга

Ўзимнинг икки оғиз фикримни билдирмоқчиман. Энг баркамол қиз юз эллик йилда бир марта дунёга келади, деган эди инглиз ёзувчиси Жеффрес. Қизларимизнинг чиройини улуғловчи, шуъласи етти қават парда ортидан кўзларни қамаштирувчи маликалар ҳақидаги эртақлар бежиз тўқилмаган. Аслида қиз бола учун пардоз керакми, деган савол туғилади. Суҳбатдошларимиз фикридан аён бўладики, баҳоғат ёшидагилар учун пардоз ортиқча жимжимадан бошқа нарса эмас. Аёл ўттиз ёшдан ошгандан сўнггина унинг юз териси пардозга муҳтож бўлади, дейди шу соҳа мутахассислари. Шу ёшгача бўлган қизлар ўз табиийликларини йўқотмаганликлари маъқул, деб ўйлайман.

**Бошловчи:**— Раҳмат. Ахир қиз болада пардозга қизиқиш ўз-ўзидан келиб чиқмайди-да, қиз бола тарбиясида аввало оналар хушёр бўлиши зарур. Илгарилари қизу келинчакларнинг ёшини кўринишига қараб аниқлаб олар эдик, дейди бир онамиз. Тўйдан кейин салгина келин ўзига оро беради ва бағоят гўзаллашиб кетади. Энди-чи, кўчада кетаётган келинми ёки қиз болами, билиб бўлмайди. Пардозни қойиллатиб, яسانيб олган қизлар бор. Ахир қиз боланинг кўрки, соддалиги, одоби либосларида эмасми? Буни биз қачон тушуниб етамиз? Аксарият қизларимиз ўзларини ҳаётга, рўзғорга тайёрлаш ўрнига, юз-кўзига оро беришни афзал билишади. Англияда қизларни жисмонан гўзал қилиб тарбиялаш учун махсус муаллимлар ёллашар экан. Бу муаллимлар кўмагида қизалоқлар соф ҳавода сайр қилиш, парhezга риоя этиш, нафис ҳаракатларни бажариш машқини олишар экан. Чунки гавда тузилиши мукамал ривожланган қизларнинг юз териси ҳам ўта хушрўй бўлар экан.

**Бошловчи:**

Ўз булбулини кутгай келгунча ишқ баҳори,  
Беҳуда андалибнинг ҳеч бўлмайин ризоси,  
Андоза бўлгусидир бахту садоқатига,  
Яҳё, дейдики, қизнинг андишаю ҳаёси.

Шунинг билан қизларимизга бағишланган кечамиз ниҳоясига етди. Эътиборингиз учун раҳмат, хайр, саломат бўлинглар!

## НОДИРА ҚУРБОНОВА

1990 йил 13 декабрда Сирдарё шаҳрида туғилган. 41-мактабнинг 6-синф ўқувчиси. Ватан, Мустақиллик, бахтиёр болалик ҳақида қўшиқлар айтади. Шеърлар ёзади, радио ва телевидение орқали болалар кўрсатувларини олиб боради. “Туроннинг эркасиман” мавзусидаги мақолалар муаллифи.

---

### БУ ЁЗГАН ХАТИМ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ БОБОЖОНИМГА ЕТИБ БОРСИН

Ассалому алайкум, азиз бобожон!

16 февралдаги воқеани телевизорда кўриб йиғладим. Ўша кундан бери Сизга мактуб ёзаман дейман, бироқ ҳаяжонимдан уни охирига етказолмайман. Зора бу мактубим Сизнинг кўнглингизга таскин берса.

Мен Сизни жуда-жуда яхши кўраман, доимо Сизнинг соғлиғингизни ўйлайман. Кичкина бўлсам ҳам Сизнинг ташвишларингизга шерикман.

Тўрт ёшимда мактабга борган эдим. 5-синфни, мусиқа мактабининг 2-синфини муддатидан олдин тугатдим. Мустақиллик тенгдоши бўлсам-да, “Ўзбекистон — Ватаним маним” республика қўшиқ байрамида голиб чиқдим. Бу йилги “Олтин калит” республика қўшиқ танловида биринчи ўринни эгалладим.

Қўшиқларимнинг кўпи Темур бобом тўғрисида, Сиз ҳақингизда, Ўзбекистон тўғрисида. “Ислом бобом наби-расиман” деган шеър ёзиб, қўшиқ қилган эдим.

Мен ўзбекман,  
Нодира,

Қучгим келади марра.  
Туроннинг эркасиман,  
Ҳам Темурга набира.  
Мен Нодира, Нодира,  
Осмон бўлсин бокира.  
Дарё бўлсин, тоғ  
                                    бўлсин,  
Ўзбекистон боғ  
                                    бўлсин.  
Барча дўст-ўртоқ  
                                    бўлсин,  
Ислом бобом соғ  
                                    бўлсин.

## ШОҲИСТА МАҲМАРАИМОВА

1976 йилда Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги Н. Боймуродов номли жамоа хўжалигида туғилган. 1998 йилда Республика рассомчилик коллежини тугатган. “Жарқўрғон ҳақиқати” газетаси мухбири. Шеърлари, мақолалари мунтазам вақтли матбуотда чиқиб туради, республика кўрик-танловларида юксак баҳо олган.

---

### БОЛАЛИГИМ

Хаёл дейди: “Юр, узоққа кетиб қоламиз”.  
Умр дейди: “Орзуингга элтиб қўяман”.  
Ўзимга-ку, аён, инсон бунчалар ожиз!  
Имконим йўқ, аммо бир кун етиб оламан —  
Болаликнинг елдек учқур орзуларига,  
Ўзининг гард юқмаган, пок қанотларига,  
Кафтларимни қўйишимга рухсат берса бас.  
Хотирамнинг жиловини унга тутқазиб,  
Узоқ-узоқларга кетай бир нафас.  
Болалигим, узоқ кетма, гардларни ювай,  
Хиралашган хотирамни, соф шудринг билан  
Ювинтирай сени ҳам. Бир қийқириб кулгин!  
Билсанг энди қалбимнинг нечоғлик бўм-бўш,  
Фариблигин, ёлғизлигин — Сенсиз шу бугун...

### ҚУТЛАЙМАН

Қутлайман, қадаминг тетик бўлибди,  
Улгурдинг кетингдан қолдирмоққа из.  
Ишончим, ардоғим, болам Истиқлол,  
Қалбимда эрк жўшқин бугун Сен боис.

Тилингдан айланай, шириндан-ширин,  
Покиза орзунгга бўлай тўтиё.

Элингни мудратган шўровий ўтмиш,  
Ўтди, туш оқибат бўлди-ку, рўё.

Инградим жисмингга аллаларимни,  
Момонгдан бир мерос, умидли нола.  
Бош қўйган ёстигинг — юртингнинг ризқи,  
Тинчликдан ясалган бешигинг, болам.

Кўряпман, ой ўтиб, кун, соат сайин,  
Вужудинг оромни қўймаяпти тинч.  
Озод руҳ ўстирган танингда ғайрат,  
Шумасми мен учун энг катта қувонч!

Тегрангда айланган — ҳақиқат, болам,  
Ўкситма, кўксидан итармагин, йўқ.  
Қўйворма этагин, ушлагин қаттиқ,  
Сенинг ҳақиқатда ҳали ҳаққинг кўп.

Бахтли келажакнинг нурли чўққисин,  
Иншооллоҳ, шиддат-ла махф этар қалбинг,  
Озод фарзанд, Сени Ватан кутади,  
Умид-ла кутаман мен, Она халқинг.

Кутлайман, қадаминг тетик бўлибди!..

### НОМИНГ НЕ?..

Эшик тақиллайди:  
Очаман...  
Остонамдан майин жилмайиб,  
“Дўст” бўлиб киярпсан, биламан —  
Биласан, кетмаслигинг қайтиб.  
Мен сезмайман, минг бор туслансанг,  
Ёр онгимни қилиб шамғалат.  
Макрингдан туғилган табассум  
Юзингда-ю, тилингда новвот.  
Ҳиссиз яралибсан хўп пишиб,  
Келибсан, о!.. чексиздир ҳаддинг.  
Сен ўлдириб кетдинг, мен кўмган  
Ишончимда қолганми ҳаққинг?  
Иблис эмас — сен ундан кучли,

Уқувли шогирдисан унинг.  
Жодугар, нечук кўлинг тафтли,  
Ажаб, “йўқдан-борми” вужудинг.  
Сен сахийсан, ўзинг орқалаб  
Юрган қопингни одамларга  
Бўлишасан, йўқ — илинасан,  
Ўтган, кетган, келадиганга.  
Ютмоқнинг қусмоғи бор, унда  
Бериб нени қиласан умид.  
Ё низо бўлиб ўзни оқлар  
Қайтса сен бўлишган “яхшилиқ”.  
Минглаб намли кўзни кузатиб  
Гангимаيمان, қай бирисан? Ё раб!  
Маҳзун жилмайиш?..

Танидим, бу  
Буюк маҳоратинг, ХИЁНАТ!  
Эшик тақиллайди.  
Кўрқаман...

### АЛДАНМАНГ

Кўрсатаман деманг адолат юзин,  
Барибир сўзингиз — ҳақиқат эмас.  
Сизмасми, шайланган ўйишга кўзин,  
Туртманг уни, тинч қўйсангиз бас.  
Олдимга жимгина келди. Бошин  
Жимгина қўяди тиззаларимга.  
Авайлаб артаман сел бўлган намни,  
Сўзлашга сўз топмай, ҳатто биргина.  
Шусиз ҳам нам бўлган этакларимдан,  
Нигоҳимни олиб қочаман четга.  
Топмоқчи бўлсаю мендан бир паноҳ,  
Тоб бермай ёшига ҳайдайман, “кетгин”.  
Кимга керак ахир бу сийрат, айтгин,  
“Адолатман” дея қичқирган нигоҳ?  
Бўхтону ёлғонча бўлмаган қадринг.  
Фақат менга қолиб кетдими, э воҳ!  
... Майлига, сени ўз ёнимга олдим.  
Шартим — ўзгаларга боғлама умид.  
“Ўликман” демагин, мен ҳам ўлик жон,  
Тор дема юрагим — у уммон янглиғ.

Фақат бўғилмагин, ҳақиқатман деб —  
Муқаддас номидан фойдаланма, йўқ,  
Сен эмас ҳақиқат, сенмас адолат,  
Сендан нажот кутган бўлаёзди кўр.  
Ҳайқирма такрорлаб бу улуғ сўзни,  
Бу муборак исм сеники эмас.  
Шартим шу — бажарсанг мен билан қолгин,  
Гар мен ҳам ҳайдасам сўнади ихлос.  
Сен нима, ҳатто у эмас ҳақиқат.  
Ҳақсизлар юзидан топасан жавоб:  
Сен каби сўзласа “адолатман” деб,  
Аврайди, у эмас. Ҳақиқат — Оллоҳ!

### ТОНГГА

Халос бўлди узоқ ғашликдан,  
Яна тўлди завққа бу кўнгил.  
Қора кўзлар кулдиран хандон,  
Тонг излади дил тубига йўл.

Бирпас кутгин, шошмагин, Қуёш!..  
Шусиз ҳам қул. Сенга тобе кун.  
Дунё! Одамларнинг бағритош —  
Кундуз ишларидан — Қаро тун.

Тун! Сокинсан, вазминсан. Бироқ,  
Ваҳимали сендаги зулмат.  
Зеро, оқлайман Кундузни —  
У шунчалар менга бешафқат.

Койиманглар мени, Кундуз, Тун,  
Ишонмайман Сизга сирларим.  
Ҳамрозим ҳам, табибим ҳам — Тонг,  
Кўтаргувчи дилдан губорим.

Ёрилмоқни истайман Тонгга,  
Аямайди у мендан меҳрин.  
Дилим ўксиганда ҳар сафар,  
Меҳрибоним кўрсатар сеҳрин.

Унутдириб ғамларим бир оз  
Шаббодани ҳамроҳ қилади.



Сўзламайман унга ҳеч бир сўз —  
У сирымнинг барин билади.

Сўнг тонг дейди мисли: “Қулоқ сол,  
Эшит ирмоқлар жилдирашин.  
Ажаб эмас, шу шаффоф сувлар  
Ювиб кетса кўздаги ёшинг”.

Тонгдек йўқдир Сизга меҳрибон,  
Кутиб ва кузатиб қолувчи.  
Тонг — узоқни кўзлаган сарбон,  
Кун номли манзилга элтувчи.

Тонг! Ҳамроҳим бўлгин умрбод,  
Софлигингни менга ҳам юқтир.  
Балким шунинг учун Ҳаётни  
Яратганим Сендан бошлади ахир.

## РУХСОРА ТЎЛАБОЕВА

1984 йилда Ўртачирчиқ туманидаги Чангтепа қишлоғида туғилган. 14-мактабнинг 10-синфида ўқийди. Шеърлари “Фунча”, “Гулхан” журналларида, “Тонг юлдузи”, “Машъал” газеталарида мунтазам босилади.

“Орзу” — илк шеърый тўплами яқинда “Чўлпон” нашриётида чоп этилди.

---

### ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҚИЗИМАН

Келажаги буюк, азиз Ватаним,  
Адолат ўрнатди Юртбошим сенда.  
Фарзандлари суюк, азиз Ватаним,  
Юртимга содиқлик ҳамиша менда.  
Эркин халқнинг айтар сўзиман,  
Соф ниятли Президентнинг қизиман.

Ҳаётимиз ўтар осуда ва тинч,  
Барча шароитлар муҳайё бизга.  
Ҳамманинг юзида бир олам севинч,  
Ишонч қўшилади ишончимизга.  
Бахтиёр халқнинг кўрар кўзиман,  
Адолатли Президентнинг қизиман.

Имконият берди келганча қўлдан,  
Бориб ўқиш учун чет элларга ҳам.  
Оқил фарзандлар адашмас йўлдан,  
Илм ўрганурлар чет тилларда ҳам.  
Порлоқ келажакнинг бир юлдузиман,  
Одил, сахий Президентнинг қизиман.

“Ҳеч кимга бермайман мен боламини,  
Миллион болалар — болам ўзимнинг.

Ақл билан гуллатар ушбу оламни,  
Оқу қорасидир кўрар кўзимнинг”.  
Доно шу сўзларга дилдан розиман,  
Мен болажон Президентнинг қизиман.

### ТОНГ

Тунги навбатчи — тўлган  
Оймома ғойиб бўлган.  
Кўкни ҳам жимирлатган  
Юлдузлар ҳам йўқолган.

Уфқдан қуёш мўралар  
Зиёи нур уфуриб.  
Узун соя орқасидан  
Зар толалар югуриб.

Кўҳна Она заминни  
Уйқусидан уйғотар,  
Орзу-умидга тўла  
Янги, нурли тонг отар.

Энди булбул навоси  
Уради ўзгача бонг.  
Ҳар кун бир лол қолдирар  
Бу мусаффо, оппоқ тонг.

### ВАТАН

Ватан нима? Осмонми?  
Ё қуёшми? Дарёми?  
Ёки хаёллардаги  
Олис, чексиз дунёми?

Йўқ, Ватан — орзу, ният,  
У яшайди юракда.  
Акс этади ҳамиша  
У соф эзгу тилақда.

### ОНАМ

Меҳрибоним, кўзим нури  
Сиз, ўзингиздир, онам.

Кўнглим бебаҳо сурури  
Сиз, ўзингиздир, онам.

Меҳрингиздир бебаҳо,  
Туганмас — дарё-дарё.  
Не бўлсак парвона онам,  
Биз учун гирёна онам.

Ҳатто биз деб, онажоним,  
Аямайсиз жонингизни.  
Беташвиш-ку, меҳрибоним,  
Еёлмайсиз нонингизни.

Сизга тақдим қилайин  
Подшоҳларнинг тахтини.  
Худойимдан мен тилайин  
Икки дунёнинг бахтини.

### РОСТЛИК

Дунёда гар бўлмаса ростлик,  
Ҳаммаёқни босар ёлғонлик.  
Хайрият, дунёда ростлик бор, ростлик,  
Сабр бор, тоқат бор, дўстлик бор, дўстлик.

Оламда яшайлик тинч-тотув бўлиб,  
Ростликни улуғлаб, кўнглимиз тўлиб.  
Ардоқлаб, авайлаб, ростгўй бўлайлик,  
Тарк этиб, ёлғоннинг бағрин тилайлик.

### САБЗИ

Рангим сариғу қизил,  
Жуда фойдалиман, бил.  
Демай ортиқча ташвиш,  
Яхшилаб қил парвариш.  
Витаминга бойман хўп,  
Нафим тегар сенга кўп.  
Теран қилиб ўйингни,  
Ўстираман бўйингни.

## ЁМҒИР

Ёмғир, ёмғир, ёғавер,  
Қирларни суғоравер.  
Ғуборларни ювиб туш,  
Шамолларни қувиб туш.  
Бизга шодлик олиб кел,  
Шамолдан-да тезроқ ел.  
Баҳорни бошлаб келгин,  
Чирой бағишлаб келгин.  
Яшнат дала, боғларни,  
Минг-минг қизғалдоқларни.

## БАҲОР МАНЗАРАСИ

Момақалди роқ қалди раб,  
Ёмғир ёғди шалди раб.  
Чақмоқ чақди ялти раб,  
Қолдим ивиб дилди раб.

Салдан кейин ёғди дўл,  
Мисоли дур ўнгу сўл.  
Ялтиллаган дўл — музми,  
Ё сочилган юлдузми?!

Кўп ҳам ўтмай дўл тинди,  
Кулиб қуёш кўринди.  
Етти хил ранг-камалак  
Кўтарди гул-чамбарак.

## ШУДРИНГ ТОМЧИСИ

Тонгги гул япроғига  
Бир зум қолдим тикилиб,  
Ундан менга боқарди  
Митти қуёшча кулиб.

Марварид шодасидай  
Ярқираб кўз олар у.  
Оқ дурнинг донасидай  
Бебаҳо ёқут, инжу.

Шудринг томчиси-ку, бу,  
Жилоларга лиқ тўлиқ.  
Худди қалбдаги орзу  
Каби мусаффо, тиниқ.

### **БУТУН ЕР ЮЗИНИ ЗАБТИГА ОЛИБ...**

Бутун ер юзини забтига олиб,  
Фазони ҳам тинч қўймаган инсон.  
Фақат машҳурликни кўнглига солиб,  
Шухратига ўзи тўймаган инсон.

Кашф этиб аёвсиз, даҳшатли қурол,  
Уни ишга солди ерни титкилаб.  
Оқибат ер узра тарқатди завол,  
Навқирон заминнинг кўксин тилкалаб.

Кучайиб, юксалиб борар тобора,  
Жиловсиз бу ҳирси кун ўтган сайин.  
Бедаво хулқига энг сўнгги чора —  
Ўз бошига ўзи етиши тайин.

### **БУРГУТДЕК...**

Истамайман бургутдек умр кўришни,  
Унингдек тик яшаб, мағрур ўлишни.  
Юксак қояларда ғурурга тўлиб,  
Мовий салтанатга ҳоким бўлишни.

Эгилмас пасткашлар олдида боши,  
Ҳуда-беҳуда тўкилмас ёши.  
Ҳаёт зарбин қарши олар бепарво,  
Мустаҳкамдир тоғу тошдек бардоши.

Акс этар жисмида буюк бир виқор,  
Вазмин парвози ҳам эрур бетакрор.  
Истайман бургутдек мағрур бўлишни,  
Кузгундек нопок яшамоқ бекор.

### **ШЕЪРИЯТ**

Болалигим шўхлик сувини ичганда,  
Гул баҳорим ер юзини қучганда.

Қалдирғочлар қувнаб, сайраб учганда  
Кириб келдинг қалбимга, сен, шеърият.

Яшиллик либосин кийганда боғлар,  
Табиат ясаниб, гуллаган чоғлар,  
Баҳорий қалблардан кетганда доғлар,  
Кириб келдинг қалбимга, сен, шеърият.

Кунлар ўтар, ойлар, йиллар, умр ўтар,  
Болалик ҳам бир кун мени тарк этар.  
Лек қалбимда доим бир туйғу ётар,  
Сен умрбод қалбимдасан, шеърият!

### ОРЗУЛАР

Яхши одам  
Бўлсам ўқиб.  
Катталарнинг  
Сўзин уқиб.

Халқим суйган  
Фарзанд бўлсам,  
Юрт дардига  
Ҳамдард бўлсам.

Илҳом билан  
Мен ҳам саҳар  
Шеърлар ёзсам  
Дафтар-дафтар.

### ПАРВОЗ

Парвоз қилиб чарчамам асло,  
Оққушларга қолсам айланиб,  
Шеъриятнинг бу кўз илғамас  
Нурларига дилдан боғланиб.

Ҳалол меҳнат қилайин доим,  
Мен пешона терларим билан.  
Гарчи оққуш бўлолмасам-да,  
Парвоз қилай шеърларим билан.

## ПАРРАНДАЧИЛАР

Товуқларга берар дон  
Икки жажжи қақажон.  
Иккиси ҳам шўх-шодон,  
Бири-бирдан гапдон.

Сингил Назокат сўрар:  
— Унутиб, бермасак дон,  
Зумрад опа, биз агар,  
Товуқлар нима қилар?

— Дарров бу ишимизни  
Ёмонликка йўяди.  
Боппай, деб, икки қизни,  
Тухум бермай қўяди.

## УМАРЖОННИНГ “ТУЛПОРИ”

Умаржон ўзи қизиқ,  
Ўзидан сўзи қизиқ.  
Ёғочни миниб олиб,  
Учига арқон солиб,  
“Бу — энг зўр тулпор”, — дейди,  
“Учмоққа тайёр”, — дейди.  
“Тулпоримни миниб ман  
Оймомага учаман.  
Ойдаги боғларни ҳам,  
Қир, адир, тоғларни ҳам  
Хўп томоша қиламан,  
Роса хурсанд бўламан.  
Сўнг ойдан бир бўлагин  
Эсдаликка оламан”.

## БАҲОР КЕЛДИ

Баҳор келди гул билан,  
Шохида булбул билан.  
Қушлар куйин тинглайлик,  
Шоҳона кўнгил билан.



Атиргул ҳидин сочар,  
Дарахтлар куртак очар.  
Ажойиб, шўх куй билан  
Қушлар биз томон учар.

Болажонлар қувнашар,  
Капалаклар қувлашар.  
Гул либосга бурканиб,  
Кенг олам сулувлашар.

### ҚАРҒА ВА СУВСАР

— Менга қара, ҳой қарға,  
Сен бекордан-бекорга  
Йиғлоқи гўдак каби,  
Вайсақи тўда каби,  
Мунча тинмайди жағинг,  
Жонга тегди қағ-қағинг.  
— Ўзингни бил, ҳой овсар,  
Уйқучи, ялқов сувсар.  
Сенда ўзи эс борми,  
Чақиряпман мен қорни.

### ЯНГИ ЙИЛ

Янги йил кириб келди,  
Севинч симириб энди,  
— Бир ёш улғайдик, — деб, — биз,  
Қувнайди ҳар ўғил-қиз.

Янги йилда бахт, омад,  
Яхши ният, саодат  
Кўнглимизда бор бўлсин,  
Барчамизга ёр бўлсин!

### ЛАМПОЧКАНИНГ СЎЗЛАРИ

Лампочка дерлар мени,  
Дўст, деб ўзимга сени,  
Уйингни ёритаман,  
Зулматни аритаман.  
Яшангиз деб фаровон,  
Сочаман нур чароғон.

## ЗЎРАВОН

Зўравонлигим тутиб,  
Бордим бузоқ қошига.  
“Кучимни кўрдингми?” — деб,  
Бир туширдим бошига.

Жаҳли чиқиб бузоқвой,  
Тепиб қолди оёққа.  
Войвойладим чидолмай,  
Арз қилайин қаёққа?

## СУПУРГИ

Меҳнатга шай Лобархон,  
Супургиси қўлида.  
Тозалади у обдон  
Чанг, ғуборни йўлидан.  
Чиннидек қилди уйни,  
Ҳовлини, кўчани ҳам.  
Сўнг эса супургини  
Четга қўйди, бериб дам.  
Мақтадилар Лобарни,  
Дадасию буваси,  
Кўкка сиғдирмас уни  
Ойисию бувиси...  
Супурги-чи, супурги,  
Нега уни мақташмас?  
Шунча қилган меҳнатин  
Ҳеч ким қадрига етмас...

## ДИЛФУЗА СОДИҚОВА

1983 йилда Марғилон шаҳрида туғилган. “Истиқлол” номли гимназиянинг 11-синфида ўқийди. Ватанни, онани, мустақилликни мадҳ этувчи шеърлари, илмий мақолалари матбуотда эълон қилинган. Жамоат ишларида фаол қатнашади.

---

### КИТОБ КҮНГИЛ КҮЗГУСИ

Китоб... Бу сўзда олам-олам маъно бор. Ўтмишдаги тарихни ўзида мужассамлаштирган, инсон ақлини асрлар оша бойитиб келган ва юқори чўққиларга эриштирган мўъжазгина гавҳар китобдир. Куръондаги оят ва саловотлар ҳам китобга битилган. Китобга бўлган ихлос ҳар бир инсонда ўзгача маънога, ифодага эга.

Бутун дунёга машҳур бўлган алломалардан:

Абу Али ибн Сино, Беруний, Навоий, Улуғбек, Лугфий, Бобур, Хоразмий, Сайфи Саройилар ўзларининг юқори савияли билимларини китобдан олишган. Улар тинмай китоб мутолаа қилишган. Халқимиз доимо илмга ташна, чанқоқ, илм олишга интилиш унинг қон-қонига сингиб кетган. Зеро, илм олишни, ўқишни, комил инсон бўлиб етишишни бизларга Оллоҳнинг ўзи буюрган.

Ота-боболаримиз нафақат ўз юрти фарзандлари учун, балки жаҳоннинг барча юрт-элатлари учун ҳам дарсликлар яратиб берганлар. Бутун дунё асрлар давомида ал-Хоразмийнинг алгебрага ва арифметикага оид рисолаларидан, Мирзо Улуғбекнинг “Зижи”дан, ибн Синонинг “Тиб қонунлари”дан фойдаланган.

Ҳаётни, турмушни китобсиз тасаввур қилиш қийин. Бир неча асрлар илгари ҳам одамлар муҳим воқеаларни тошларга битганлар.

Тарих саналаридан бизга сўзлайди,  
Яхшилик уруғин доим кўзлайди.  
Буюк доноларнинг ажиб нақшидан,  
Бобокалонларнинг сирли ақлидан.

Китоб — сўзлаб ҳар дам онгинг оширар,  
Қалбингдаги илм — нуринг тоширар.  
Иймон-эътиқоддан доим дарс берар,  
Куч-ғайратинг, ақлу ҳушинг оширар.

Китоб инсоннинг энг камтарин ва хокисор ёрдамчиси, оғирини енгил, қалбини равшан қилувчи, ақлини ўткирлаб, камолотга йўл бошловчи беғараз дўст. Китоб инсоннинг умрбод йўлдоши, ҳамсуҳбатидир.

Жаҳонда китобдан яхши ёр бўлмас,  
Давр ғамхонасида ғамгусор бўлмас.  
Ёлғизлик кунжида ундан ҳар қачон  
Юз роҳат етар, лек бир озор бўлмас.

(А. Жомий)

Асрлар ўтаверган, кекса авлодлар ҳаётий муҳим сирларни, шартли нуқталарни, билимларини ёш авлодга китоб тарзида мерос қилиб қолдираверган. Китоб ўқиган ва билим олган инсон ҳеч қачон хор бўлмайди, чунки бундай инсоннинг қалбида маънавият, илм нури порлаб туради.

922 йил. Май. Ибн Сино ярим тунгача ўтириб мутолаа қилар, ёзар эди. Бир кун кечаси ибн Синонинг уйқуси келиб, кўзига қум тикила бошлаганда уйқу қочирадиган дорисини ичиб, ҳовлига чиқди. Осмонга ўйланиб боқиб турган бир пайтда беихтиёр ўқтин-ўқтин оловнинг қипқизил тиллари қоронғи осмонни ялаб, узоқдан қий-чув овозларини эшитди. Ёш ҳақимнинг юраги бир фалокатни сезгандек дукиллаб уриб кетди. Хаёлига даҳшатли воқеа келди. Ибн Сино ҳаллослаб Регистон майдонига келди, кўнгилни эзаётган шубҳа ҳақиқат бўлиб чиққанини англади. Юзлаб кишилар қўлма-қўл челақ узатиб, майдон ўртасидаги ҳовуздан олинган сув билан китобхонага тушган ўтни ўчиришга уринар эдилар. Ибн Сино бошида че-

лаклаб сув ташиб ўт ўчираётганларга қарашиб турди. Кейин кўпчиликнинг ҳафсаласи пир бўлганлигини кўриб, ғазабига чидолмай, олов чиқиб турган бир ҳужрага ўзини урди. Бунда тибга доир китоблар сақланарди. Бир неча дақиқадан сўнг этагининг ёнаётганига парво қилмай, бир неча китобни олиб кучоқлаб чиқди. Одамлар югуриб бориб, уни чопон билан ўраб олдилар. Ибн Сино яна ўзини ўтга урмоқчи эди, бир неча қўл уни маҳкам ушлаб қолди. Шунча уриниб ёнгинни сўндира олмаган одамлар биринкетин уй-уйларига тарқалишди. Оловнинг ҳовури пасая бошлади.

Ибн Сино худди яқин бир кишисини кўмиб, қабристондан қайтган кишидек бошини қуйи солиб, ярим-ёрти куйган бир неча китобни қўлтиқлаган ҳолда уйга жўнади...

Юқоридаги ҳикоядан кўриб турибмизки, китобга бўлган муҳаббат олимда ҳам, жоҳилда ҳам, бойда ҳам, камбағалда ҳам ҳар хил. Буюк аллома М. Кошғарийнинг бир гаплари бор: “Бахт белгиси илм ва ақлди”. Худди мана шу бахт белгиси бўлмиш илм ва ақлни инсон китобдан олади. Инсонпарварлик ва мардликни Оллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлагани каби, китобхонни ҳам бизда қадрлайди. Китобхон аввало китоб ўқиш одобини билиши даркор.

Китоб ўқиш одобига қуйидагилар кирди:

1. Қуёш шуъласида китоб ўқиб бўлмайди.
2. Ётган ҳолда китоб ўқиб бўлмайди.
3. Овқатланиш вақтида китоб ўқимаслик зарур.
4. Китобни букламаслик лозим.
5. Китобни кир қўл билан ушламаслик керак.

Мутолаа инсон ҳаётида муҳим ўрин тутди. Китоб ўқимаган талаба дарсларни тушунмайди, қуруқ ёдлашга мойил бўлади, ўзи ўқиган билим ва фан хулосаларини муҳокама этмайди, натижада ўқувчининг зеҳни ўтмаслашади, сарғаяди, “эслаб қоладиган жонли асбобга” айланади.

Бу йўл кишининг ақлини ҳам, ақлий фаолиятини ҳам, табиий истеъдодини ҳам заифлаштиради. Бу хавфдан қочиш керак. Акс ҳолда кишининг хотираси “тешик” кулчага айланади.

Низомий Ганжавий шундай деганлар:

Ҳар кимки қўлидан тушмади китоб,  
Илм осмонида у бўлар офтоб.

Китобни севмоқ даркор. Китоб — яхши маслаҳатчи ва ўқитувчи. Китобсиз билимли, маданиятли киши бўлиб етишиш мумкин эмас. Китобни ўқиб, билимни бойитмоқ, қалбни илм нури билан ёритмоқ керак. Биз китобдан асрлар илмини, боболар меросини билиб оламиз. Энг яхши китобхон бўлишга киришмоқ, аввало, инсоннинг ўзига боғлиқ. Шу ўринда Абулқосим Фирдавсийни ёд олиб ўтиш лозим:

Илмдан бир шуъла дилга тушган он,  
Шунда билурсанким, илм бепоён.

Ақл ва билим асоси китобдир. Китобни севмоқ ва қадрига етмоқ — шарафли ва муқаддас бурчдир. Инсоннинг маънавий баркамоллиги ҳам китобхонлик белгисидир. Китобхонлик, китобни севиб ўқиш инсон тафаккурининг ўсишида, дунёни кенг идрок этишида бош омилдир.

### СУМАНБАР НАСИМ ПАРВОЗЛАРИ

(Шоира Энахон Сиддиқова ижодига чизгилар)

Маънавият — жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча. Маънавият инсон ва жамият маданиятининг негизи, инсон ва жамият ҳаёти маълум йўналишининг бош омилидир. У муайян иқтисодий-ижтимоий ҳаёт тизимининг шаклланиши, ўзгариши ёки инқирозга юз тутишига кучли таъсир кўрсатади. Маънавият бой бўлса, жамият равнақ эта боради ва аксинча, маънавият қашшоқлашса, жамият бора-бора таназзулга юз тутди. Зеро, Президент Ислом Каримов айтганидек, ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир:

Қилма ҳаво, эй кўнгил, бу дунёга мусофирсан,  
Қилма сафо, эй кўнгил, бу дунёга мусофирсан.

Жоҳилга бўлма ошно, ўзинга қилма жафо,  
Бир ғарибу бенаво, бу дунёга мусофирсан.

Ушбу мисралар муаллифи ажойиб истеъдод эгаси, фарғоналик шоира Энахон Сиддиқовадир. Содда ва беғубор туйғулари билан адабиётимиз хазинасини бойитаётган шоира 1955 йилда Олтиариқ туманида таваллуд топган. Энахон Сиддиқова 1976 йилда Фарғона давлат педагогика институтини тугатади. Ўқишни битиргач, шоира уч соҳада фаолият кўрсата бошлайди, яъни мактабда, шеърятда ва ниҳоят матбуотда. Дастлаб у Водилдаги 4-ўрта мактабда ўқитувчилик қилади, кейинчалик худди шу мактабда директор бўлиб ишлайди. Шеърятдаги ютуқлари эса, қуйидагичадир. Биринчи шеърлари жумҳурият матбуотида чоп этилган. Шоира ҳозирда ўзининг “Қоракўз турналар” тўплами, “Водил чинори”, “Олтин бешик”, “Шоҳимардон” дostonлари ва кейинги йилларда нашрдан чиққан “Суманбар насим” номли шеър ва дostonлар тўплами билан таниш. Энахон Сиддиқова ҳозирда ватанимиз гуллаб-яшнашига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Шоиранинг номини машҳур қилган унинг “Суманбар насим” номли шеърый тўпламидир. Ундан асосан шоиранинг янги шеърлари, қўшиқлари, дostonлари ва айрим шоирлар ғазалларига ёзилган мухаммаслари ўрин олган. Айтиш мумкинки, шоиранинг шеърларида онага бўлган ҳурмат, Ватанга бўлган садоқат туйғуси уфуриб туради. Унинг айрим шеърларида эса “Бу дунё беш кунлик дунёдир” деган ғоя илгари сурилади. Ҳар иккала мавзудаги шеърларда ҳам инсонларни, айниқса, ёшларни фақат ва фақат яхшиликларга бошлаш биринчи ўринда туради. Энахон Сиддиқованинг шеър ва дostonлари содда, раvon ва тушунарли тарзда ёзилгани сабабли уларни ёд олиш ҳам осон. Энахон опанинг ижодлари ҳақида етук шоирлар ўз фикрларини билдирганлар.

“Энахоннинг шеърларини ўқиганимда Шоҳимардонсой сувларининг зилоллиги, тошдан-тошга урилгандаги шарқираши, унинг майин суманбар насимларини ҳис этаман. Шоира шеърларидаги латиф туйғулар, руҳий ғалаёнларнинг сокин ифодаси, Она юрт, водий одамлари меҳрига тўйинган сатрлар бир-биридан гўзал, соҳир иштибоҳлар ҳар қандай шеър қадршуносини ҳам ҳайратга

солади. Водий ўзбек аёллари шеъриятига жуда кўплаб истеъдодли вакиллар етиштириб берган. Нодира ва Увайсийнинг издошларидан бўлмиш Энахон Сиддиқова шеърияти Машрабу Ҳувайдолар фалсафасини ҳам ўзига сингирган. Ишонаманки, водийнинг етук шоираларидан саналмиш синглимиз ижоди китобхон қалбида ҳам, адабиёт бўстонида ҳам ўз ўрнини топади”, — деб ёзган шоир Икром Отамурод.

Мен ҳозир Энахон Сиддиқова қаламига мансуб баъзи шеърларнинг тарбиявий, ахлоқий аҳамияти ва бу асарларнинг адабиётимизда тутган ўрни ҳақида сўзлаб бермоқчиман.

Сендан қолур мол-дунё, бола-чақа, зар-тилло,  
Кимга қилган у вафо, бу дунёга мусофирсан.  
Дўстга қилгин жон фидо, бўлгин ошиқу шайдо,  
Ҳаққа айтгил, Ҳувайдо, бу дунёга мусофирсан.  
Ким у пойи пиёда ва ким шоҳдир, ким гадо,  
Кетур битта йўл аро, бу дунёга мусофирсан.  
Бошингда минг бир савдо, тегирмон тоши ҳатто,  
Имонингдан айрилма, бу дунёга мусофирсан.  
Кўлингга келмай асо, номинг қолдир эл аро,  
Умрингга келмай фано, бу дунёга мусофирсан.

“Бу дунёга мусофирсан” шеърдан олинган ушбу парчада Энахон Сиддиқова чуқур фалсафий фикрларни ифодалашга ҳаракат қилган. Бу ўткинчи дунё “Беш кунлик дунё” деб аталади. Фоний дунёда кимдир Оллоҳ ризо бўладиган солиҳ ишлар қилса, яна кимдир шайтон сўзига кириб, гуноҳ ишларни қилади. Мол-дунёга ҳирс қўйган кишилар фисқу фужур, ғийбат каби ҳаром амалларни бажариб, оқибатда бу дунёда нима гуноҳу нима савоблигини ҳам ажратолмай қоладилар. Инсон борки, у ҳар нарсага қодир Оллоҳнинг бандасидир. Шундай экан, бандалар бу фоний дунёда ғофил бўлмай, боқий дунёга ҳозирлик кўришлари керак. Шунинг учун одам нопок ишлардан ўзини тийиб, савоблик амаллар қилиб, Оллоҳнинг ризолигини топишга интилиши зарур. Шоира мол-дунё учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган молпараст кишиларга қарата бу дунёда ҳамма меҳмон, мусофир эканлигини уқтирмакда. Ҳаққоний фикр! Ҳа, бу фақат



мол-дунёга ҳирс қўйган кишилар учун эмас, балки, дунёдаги барча инсонлар учун айтиладиган сўздир. Ҳақиқатан ҳам бу дунёда мол-дунё, зар-тилло ҳаммамиздан қоладиган нарса. Ҳаттоки, ривоятларда ҳам Искандар шоҳнинг очиқ кетган қўллари бунда очиқ эътироф қилинади. Шеърнинг сўнгги мисраларида ким пойи пиёдами, шоҳ ёки гадоми, уларнинг иккиси ҳам бир йўл аро кетурлар, яъни уларга насиб этгани бир сиқим тупроқ, холос, дейилади. Яна шуни айтиш керакки, бу шеърни шайхул машойих Аҳмад Яссавийнинг қуйидаги “Бешак билинг бу дунё” деб бошланувчи ҳикматларига қиёсласак бўлади:

Бешак билинг, бу дунё  
Барча халқдин ўтаро.  
Инонмагин молингга,  
Бир кун қўлдан кетаро.

Ҳақиқатан ҳам Энахон Сиддиқова шеърларида Яссавий ғояларининг замонамиз руҳига мос давом эттирилганини кўрамыз. Аҳмад Яссавий ўша замон нуқтаи назаридан олиб ёзган бўлса-да, лекин ҳикмат шу даврда ёзилгандек. Хуллас, Энахон Сиддиқованинг ушбу шеъри барчага бирдек панд-насиҳат ўрнини босади:

Онажоним, танда жоним, меҳвари Фарғонасан,  
Хурриятга, дилга пайғом, сарвари Фарғонасан,  
Гули райҳонлар иси меҳри мулкинг бўйидир,  
Садарайҳоним, ул толе човқарим Фарғонасан.  
Меҳри вафою саховат, нури ҳидоят элчиси,  
Тангрининг элга юборган рухсори Фарғонасан.  
Қоракўздир оқшомларинг, зебо келинчак тонгларинг,  
Шамси анвар, бағри анбар, анбарий Фарғонасан.  
Чавандоздир тулпорларинг, шўх малак дилдорларинг,  
Озода таъб, лутфи адаб, гуфтори Фарғонасан.  
Ал-Фарғоний, Нодираву Ҳувайдолар юртисан,  
Ҳар истиқбол маъвосисан, акбари Фарғонасан.  
Ўзбекистон деган қутлуғ эрк, саодат оятин,  
Муҳаббат сурасидурсан, дилбари Фарғонасан.

Фахр туйғуси билан йўғрилган бу шеърда шоира ўзининг ватани Фарғонани мадҳ этмоқда. Шоира шеърда ўхша-

тишлардан, сифатлашлардан кенг фойдаланган. Фарғонани шоирлар, буюк кишилар юрти эканлигини, унинг ал-Фарғоний, Хувайдодек ўғлонлари, Нодирадек шоиралари борлигини алоҳида таъкидламоқда. Шеърни ўқир эканмиз, она юртимиз Ўзбекистонга бўлган меҳримиз янада ошади, Фарғонанинг зебо келинчакларию тулпор минган чавандозлари, сўлим оқшомларию гўзал тонглари, умуман, водиймиз гўзалликлари яққол кўзга ташланади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, шоира Энахон Сиддиқова мумтоз шоирлар ғазалларига мухаммаслар ҳам ёзиб туради. У кўпроқ Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Фузулий каби шоирлар ғазалларига мухаммаслар ёзган.

Бобур ғазалига мухаммас:

Бошима кийдирди тож лаъли армондин яхшилик,  
Даҳр аро топмади дил дўсти нодондин яхшилик,  
Телба бўлди кўз тутиб хатти аркондин яхшилик,  
Ким кўрибдур, эй кўнгил, аҳли жаҳондин яхшилик,  
Кимки ондин яхши йўқ кўз тутма ондин яхшилик.

Ҳа, ҳаммамизга бирдек таниш бўлган мисралар шоҳ ва шоир Бобур қаламига мансубдир. Шоира Энахон Сиддиқова Бобур ғазалига ўзининг мухаммасини битган. Кўришиб турибдики, ғазал ва мухаммас ҳам яхшилик ҳақида. Бобур ўз ғазалида “Эй кўнгил, бу дунёда ким яхшилик кўрибди, кимки ҳеч кимга яхшилик қилмас экан, кўз тутмагилки, сенга ҳам у яхшилик қилмайди”, дея инсонларга мурожаат қилади. Бировга нафи тегмаган ёки чин дилдан ҳеч бўлмаганда ўзи билмаган ҳолда яхшилик қилмаган кишидан яхшилик кутмоқ бефойдадир. Чунки яхшилик шундай мўъжизаки, уни ҳамма ҳам қилолмайди. Яхшилик қиладиганлар бор, фақат миннат билан, лекин ундай яхшиликни яхшилик дейилмайди, деган фикр бор бу сўзлар замирида. Шоира эса, бу сўзларга ўзларининг яхшилик ҳақидаги фикрларини давом эттириб, мухаммас ёздилар. Мухаммас худди ғазалнинг ўзгинаси. Фикрлар давомийлиги текис. Демак, бу шоиранинг шоирлик маҳоратидан дарак беради. Бундай мисраларни ўқиган киши ўзи ҳам аруздами, бармоқдами нимадир айтгиси келади.

Яхшилик умрининг ўчмас ёдгори,  
Яхши киши инсонларнинг сардори.  
Уларнинг ҳар доим нақддир хардори,  
Кўлингдан келганча яхшилик қилгил.  
Яхшилик инсонга берилган неъмат,  
Бу феъл барчамизга улуғ бир ҳикмат.  
Яхшиларни дунё қилади иззат,  
Кўлингдан келганча яхшилик қилгил...

Энахон Сиддиқова ўзининг барча шеърларида инсонларни ватанпарварликка, она юртни ардоқлаб, уни асрашга чақиради. Шоиранинг юқоридаги каби шеър ва мухаммасларини ўқир эканмиз, барчамизнинг кўнгил кўзимиз очилади. Турли салбий фазилатлардан фориғ бўлиб, фақат ижобий хислатларга эга бўлиш учун курашишга интилиш бизнинг ҳаётимиз мазмуни эканлиги янада аён бўлади. Айниқса, шоиранинг дунёнинг ўткинчилиги ҳақидаги шеърларини ўқиганимизда инсоний туйғулар бизда катта таассурот қолдиради. Умумий қилиб айтганда, Энахон Сиддиқованинг барча асарларидан “инсонмизми, инсонга хос ишлар қилайлик”, деган хулоса келиб чиқади. Хуллас, Энахон Сиддиқова шоира, ёзувчи ва публицист сифатида ўзбек адабиётига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Шоиранинг ижоди янада гуллаб-яшнашини оллоҳдан тилаб қоламан.

## КўНГИЛ КўЗИ ҲАЙРАТЛАРИ

(Марғилонлик шоир Абдукарим Жумабоев  
сийратига чизгилар)

Уйқусиз тунларни ўтказиб бедор,  
Тонгда ашъор билан кўришар дийдор.  
Айтинг, шоир учун ўзга не бахт бор?  
Шеърларин ўқиса ҳазрати инсон.  
Шоир ўзи учун ёзмас ҳеч қачон...

Ушбу мисралар муаллифи Марғилон шаҳрида яшаб ижод қилаётган ажойиб қалам соҳиби Абдукарим Жумабоевдир.

Абдукарим Жумабоев 1948 йили Тожикистон Республикасининг Нов туманида дунёга келган. Шоир ёшлик чоғларида тақдирнинг аламли зарбаларига дучор бўлди: 5 ёшида отасидан, 12 ёшида онасидан айрилди.

Саҳар, азон айтилган чоғлар,  
Бағрим эзар армонли доғлар.  
Жойнамоз ҳам сизни сўроқлар,  
Дадажоним, сизни соғиндим...

... Қалбимга тиг урган дунё бу,  
Азобларим кўрган дунё бу.  
Сизни сиғдирмаган дунё бу,  
Сизни қандай топай, онажон.

Мактабни битириш арафасида, диллари эзгу орзу-ниятлар билан тўлиб-тошган бир пайт — 18 ёшларида арзи-маган тасодиф туфайли кўзлари ожиз бўлиб қолади.

Милтираган ёғду кўринмас,  
Кўзларимга зим-зиё олам.  
Яшар экан ёруғ дунёда,  
Ажаб, нурга зор бўлиб одам.

Бу орада севган ёри ҳам у кишини ташлаб кетади. “Қачонки” ўша ёримни эсласам илҳомим жўшиб, шеър ёзгим келаверади”, — дейди шоир.

... Беш кунлик дунёга меҳримни қўйиб,  
Мени суймагани жонимдан суйиб.  
Ўтдим куймаганга беҳуда куйиб,  
Бировлар билдилар, билмаган ўзим...

1965 йили ёш Абдукарим Марғилондаги кўзи ожизлар жамиятига қарашли шолча тўқиш цехига ишлаш учун келади ва шу ерда яшай бошлайди. 1967 йили шоир Марғилон шаҳридаги кечки мактабни тугаллаб, шу мактабда ўқитувчи бўлиб ишлай бошлайди. Билимга бўлган кучли меҳр уни Фарғона педагогика институтининг тарих факультети томон етаклайди (1968—1973). 1982 йилда Марғилон шаҳар Маданият бўлимига қарашли 2-маданият уйи-

га директор этиб тайинланган. 1992 йилдан бошлаб Мирзо Улуғбек номидаги вилоят кўрлар ва карлар мактабида директор бўлиб ишлаб келмоқда.

Абдукарим Жумабоев — кўшиқчи шоир. Унинг шеърлари билан айтиладиган кўшиқлар инсонларнинг қалбларига етиб борган. Унинг шеърларига басталанган кўшиқларни Ўзбекистон халқ артистлари Хайрулла Лутфуллаев (“Яхши”, “Дилором”, “Биргина қараб қўйсанг”), Камолиддин Раҳимов (“Навбахор”, “Айтақол энди”), Ўринбой Нуралиев (“Раъноланур”), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маъмуржон Тўхтасинов (“Дилбаргинам”), хушовоз хонанда Мавлуда Асалхўжаева (“Ажаб дунё”), хонандалар Аъзамжон Аҳмадалиев (“Шоҳимардоним”, “Дўст”, “Қошлар қаро” ва ҳ.к.), Тоҳиржон Шокиров (“Эрка қиз”, “Нега билмайсиз” ва ҳ.к.), Сатторбек Исмоилов (“Марғилон қўймас мени”, “Дунё”, “Алданма” ва ҳ.к.), Абдуҳаким Ортиқов (“Биров билмайди”, “Лўли қиз”), Феруза Абдураҳимова (“Кундошим”, “Мени билмайсиз” ва ҳ.к.), Азиза Ортиқова (“Оллоҳим”, “Дунё”), Я. Фиёсов, И. Қаландаров ва бошқа хонандалар ижро этган. Айниқса, Камолиддин Раҳматов ижросидаги “Бу менинг ватаним” кўшиғи машҳурдир. Бу кўшиқ Мустақиллик майдонидаги тантаналарда, Конституция куни муносабати билан “Туркистон” саройида ўтказилган катта концертда янграган.

Шоирнинг шеърлари “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Фарғона ҳақиқати”, “Педагог” каби турли хил ойна ва рўзномаларда чоп этилган. Унинг шеърлари билан айтиладиган кўшиқлар республика радиоси ва телевидениесида янграган.

А. Жумабоевнинг шеърлари бошқалардан соддалиги, таъсирчанлиги, мазмундорлиги билан ажралиб туради.

А. Жумабоевнинг илк китоби 1996 йили “Марғилон қўймас мени” номи билан босмадан чиқди. Унинг иккинчи китоби “Умидли дунё” эса нашрга тайёрланмоқда. Яқин кунларда китобхонлар қўлига етиб боради. Бу шеъррий тўпламга шоирнинг сараланган энг яхши шеърлари жамланган.

А. Жумабоевнинг турмуш ўртоғи педагог. Уч қизи, бир ўғли бор. Катта қизлари Гулчеҳраҳон Тошлоқ тумани молия бўлимида, ўртанча қизлари Муҳайёхон Марғилон шаҳар

марказий шифохонасида, кичик қизлари Нилуфархон шаҳардаги кўзи ожизлар мактабида ишламоқдалар. Ўғиллари Шукрулло санъат йўлини танлаган. Айни пайтда педагогика билим юртининг мусиқа бўлимида таълим олади.

“Ўтинч” шеъри Абдукарим Жумабоевнинг ажойиб шеърларидан биридир.

Баъзида инсон ўзининг олдидан ўтган ариқдаги сув қадрига етмайди. Қачонки, бир кун келиб, унга жуда керак бўлиб турганда... кеч бўлади. Ўша тиниқ сувлар оқиб битади... Инсон тақдири ҳам шунга ўхшайди.

Баъзи фарзандлар минг азобу қийинчиликлар билан ўзларини ўстирган ота-оналарининг қадрига етмайдилар, ҳурмат қилмайдилар. Билмайдиларки, ўзларининг бошларига ҳам шундай, балки бундан ҳам оғирроқ кунлар тушишини, бу дунё қайтар дунё эканлигини. Вақтики, ўзлари ҳам ота ёки она бўлганларида уларнинг хатоларини фарзандлари такрор этганда... ўзларини қарғаб қоладилар. Энди кеч бўлади.

Инсон бирорта мансабга эга бўлиб, мол-дунёси кўпайганида ўздан кетиб, оға-иниларию ака-укаларини унутади. Билмайдикки, мол-дунёси бир кун қўлдан кетишини ва “содиқ” дўстлари уни ташлаб кетишини. Мана шундай бўлганда у яна бир бор афсус қилади. Энди кеч бўлади...

Баъзида арзимаган қийинчиликка бардош бермай, арзимаган бойликка учиб, инсон ўз Ватанини унутиб, бошқа юртлардан бахтини излаб, ўз дўстларини, қариндош-уруғларини ташлаб кетади. Вақтики, мусофирлик қийинчиликлари бошига тушганда, бир оғизгина ўзбекча сўзга зор бўлиб, афсус чекади... Энди кеч бўлади...

Баъзида инсон ўз куч-мадори, ақли бўлган ёшлик пайтларини беҳуда ғафлатда ўтказиб юборади: билим ўрганиш ўрнига, хунар ўрганиш ўрнига бошқа бемаъни ишлар билан шуғулланади. Вақтики, улғайиб, ақли кириб қолган пайтда ўтган умри учун афсус қилади. Энди кеч бўлади...

Баъзида инсон тирикчилик деб, шу фоний дунёни деб жуда кўп гуноҳлар қилади, шу қабиҳ дунёни деб ўз Эгасини — Оллоҳни унутади. Унинг буюрган ишларини қилмайди, шайтон гапига кириб юради. Эй Оллоҳ, сенинг хузурингга борганимизда бизлардан марҳаматингни, шафқатингни дариг тутма. Албатта, сен шафқат ва раҳм қилгувчи зотсан!

## ОЙДИН АБДУЛЛАЕВА

1976 йилда туғилган. Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси аспиранти, муסיқий-назарий фанлар ўқитувчиси. Симфоник ва камер муסיқаси асарлари, кўплаб композиторлар ижодини таҳлил қилувчи муסיқий тадқиқотлар муаллифи.

---

### ЮКСАК ЗАКОВАТ ЭГАСИ

Ўзбек халқи бошқа Шарқ мамлакатлари сингари улкан санъат меросига эга. Бу нарса унинг санъатни қанчалик қадрлашидан далолат беради. Уни ўзлаштириш ва такомиллаштириш масаласига келсак, ўзбек санъаткорлари бунда ҳар дам пешқадамдир. Шу боис, ҳозирги кунга келиб ўзбек муסיқаси юксак чўққиларга чиқишга муваффақ бўлди. Бунда кекса авлод санъаткорларининг ҳиссаси беқиёс, ўзбек муסיқа маданиятининг равнақи ва ривожини ана шундай санъат дарғаларидан бирининг номи билан боғлиқ. Бу яқиндагина 77 баҳорни қаршилаган инсон, Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Икром Акбаровдир.

И. Акбаров ўзбек бастакорлик мактаби асосчиларидан биридир. Мана, у қарийб 60 йилдан зиёд вақт мобайнида ижод этиб, ўзбек муסיқаси равнақи учун хизмат қилмоқда. Шу давр ичида И. Акбаров ўзининг асл ижодкор қиёфасини халққа намойиш этиб, ҳаётдаги ўрнини аниқ белгилай олди. Шу билан бирга у бахтли, омад кулиб боққан ижодкор. Негаки, унинг муסיқаси доимо инсонларга керак бўлган, халқ учун хизмат қилган.

И. Акбаров — улкан, серқирра ижодкор. Ижодига назар ташлаганда, унда муסיқа санъатининг оддий кўшиқдан тортиб, то опера, балет, симфониягача бўлган барча

жанрларга мансуб турли асарларни кўриш мумкин. Умуман олганда, турли жанр, услуб ва хусусиятларнинг ўзбек бастакорлик ижодиётида қарор топиши ва рифожланиши И. Акбаров номи билан боғлиқ. “50-йилларга келиб ўзбек симфонизмининг етакчи ғоялари тўла белгиланди. Ва, айнан, И. Акбаров шу масалаларни ечиши керак бўлган энг муносиб шахс бўлиб чиқди”, — дейди ўз асарида санъатшунос олима Н.С. Янов-Яновская. Ҳақиқатан, И. Акбаров ўз ижодини симфонизм соҳасидан бошлади десак муболаға бўлмайди. У яратган “Шоир хотирасига” симфоник поэмаси ўзбек симфоник мусиқасининг олға ташлаган биринчи қадами бўлди. У орқали бастакорлик ижодиётида поэма соҳаси қарор топди, концерт жанри ўзининг ҳақиқий кўринишига эга бўлди, симфония янги қиёфа касб этди ва унинг асосида қатор дастурий симфоник асарлар юзага келди. Шунингдек, камер-чолғу жанри ҳам ўзининг ривожланиш йўлини аниқ белгилаб олди. И. Акбаровнинг трио, квартет, квинтетлари юксак бадиий маҳорат касб этди, лирик-фалсафий оқимни олиб кирди. Шу боис, Ўзбекистондаги чолғу тафаккури маданияти ҳам унинг номи билан боғлиқ.

И. Акбаровнинг вокал мусиқа, хусусан, эстрада қўшиғи жанридаги фаолияти халқимизга маълум. Унинг “Газли кўҳликлари”, “Раъно”, “Қайдасан” каби жозибадор ва шунинг билан ноёб қўшиқлари буюк эстрада хонандаси Ботир Зокиров ижросида нафақат юртимиз Ўзбекистонда, балки бошқа кўплаб мамлакатларда тингловчилар олқишига сазовор бўлган.

Халқимиз И. Акбаровнинг номини кино ва мусиқий спектакллар орқали ҳам танийди: “Мафтунингман”, “Ҳамза”, “Сен етим эмассан”, “Икки дил достони” каби фильмларнинг муваффақиятида И. Акбаров мусиқаларининг ҳам ҳиссаси бор. “Момо ер”, “Йиллар ўтиб”, “Ўжарлар” мусиқали драмалари эса муаллиф ўзбек мусиқий драма масалалари ва имкониятларини тўғри англаганидан далолат беради.

И. Акбаров балет жанрида ҳам сермаҳсул ижод этган. Унинг “Орзу”, “Лайли ва Мажнун”, “Наврўз” балетлари турли йўналишда бўлгани билан уларда миллий балет хусусиятларини эгаллашга бўлган интилиш яққол кўзга таш-



ланади. Бунда анъанавий ўзбек мусиқаси намуналарининг ишлатилиши миллийлик сари қўйилган қадам сифатида талқин этилади.

И. Акбаровнинг мусиқаси хоҳ у симфоник, хоҳ сахна ёки эстрада асари бўлсин, ўзининг юксак ахлоқий характери билан ажралиб туради. Вазминлик, олижаноблик, фикрни ифода этишдаги шахсий қарашлари, ҳиссий ва ақлий туйғу бирлиги, ички ва ташқи сифатлар уйғунлиги, умуман, рационал пухталиқ Акбаров мусиқасининг асосий хусусиятларидир. Шунинг билан бирга у ниҳоятда дилкаш ва ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Айнан шу сифатлари билан тингловчи қалбидан жой топа олади.

И. Акбаров жаҳон адабиётига катта эътибор беради. Бу нарса унинг ижодида ўз аксини топган. Р. Тагор (“Почта”), Калидас (“Шақунтала”), Гарсиа Лорка (“Қонли тўй”), Навоий (“Лайли ва Мажнун”), Ч. Айтматов (“Момо ер”), М. Шайхзода (“Тошкент ҳақида достон”) каби намояндалар ижодига бўлган эътибор муаллифнинг юксак интеллектдан, умуминсоний қадриятлар ҳақида сўзловчи Шарқнинг буюк мутафаккирларига бўлган ҳурмат-эҳтиромидан далолат беради. Шунини айтиш керакки, бу муаллифларга юксак драматизм, фожиавийлик фазилатлари хос. Худди шу сифатни Акбаров мусиқасида ҳам кузатиш мумкин. Демак, И. Акбаров у ижодкорларнинг дунёқараши, ҳаёт учун кураш замиридаги ғояларига қўшилади ва бунинг юксак маънавий аҳамиятини кучайтириш ва халққа етказиб беришга хизмат қилади.

И. Акбаров — жиддий мусиқа бобидаги ижодкор. Унинг мавзулари кўп ҳолларда фалсафий таҳлил ва мушоҳадага берилади. Умуман, И. Акбаровни ўзбек композиторлик ижодиётидаги лирик-фалсафий йўналишнинг асосчиларидан бири десак хато бўлмайди. Чунки у ўзининг симфоник ва камер чолғу асарларида бу йўналишда ижод этиб, катта ютуқларга эришди. Бу билан у ўзбек симфониясига замин яратдики, ушбу заминда Т. Курбонов, М. Тожиев, М. Маҳмудов каби бастакорларнинг асарлари юзага келди.

Европа мусиқаси тажрибаларидан келиб чиқиб ўзбек мусиқасини ярата бошлаган И. Акбаров XX асрнинг ўрта-сида мусиқа майдонига кириб келган бўлса, аср охирига

келиб ҳам ҳамон ўзбек бастакорлик ижодиёти марказида ўз ўрнига эга. И. Акбаров ҳозир ҳам сермахсул ижод билан банд. Шу йилнинг март ойида унинг премьераси режалаштирилган. Демак, И. Акбаров ҳақидаги суҳбатимиз ҳали давом этади...

## ОҲАНГЛАР ФАЙЛАСУФИ

### Муסיқа

Инсонлар борки, уларнинг ҳаёти илму фан, ижод ва унинг машаққатларига бахшидадир. Композитор Тўлқин Қурбоновни ҳам шундай инсонлар қаторига киритгим келади.

Тўлқин Қурбонов болалигидаёқ ўз ҳаётини санъатга боғлади. Кейинчалик эса ижод — унинг тақдири эканлигини англади. Аввал Р. Глиэр номидаги махсус муסיқа мактабини гижжак сози бўйича, сўнг Тошкент давлат консерваториясини бастакорлик бўйича битирди. Кейин Тошкент ва Ленинград консерваторияларида аспирантурада ўқиди. Ўқиш йилларидаёқ симфоник муסיқага майл сезган бўлғуси композитор келажакда шу соҳада ижод этишни ўзига мақсад қилиб қўйди.

Бугун Т. Қурбонов сермахсул, етук ижодкор сифатида элга танилди. У муסיқа санъатининг барча жанрларида ижод этади. Унинг қаламига мансуб асарлар мавзуи ниҳоятда хилма-хил, оҳанглари эса миллийлик руҳи билан суғорилган.

Т. Қурбонов асарларининг муסיқий тили ниҳоятда бой. Авваламбор, бастакор ўз фикрини ҳақиқий миллий тилда баён этишга ҳаракат қилади. Ҳар қандай изланувчан ижодкор сингари, у ҳам композиторнинг юксак ғояларини ифодаловчи восита бўлмиш симфоник оркестрдан самарали фойдаланади, ундан ўзбекона миллий оҳанглари ни ифодалаш йўлларини излайди ва ҳар гал буни уддалайди. Тўлқин Қурбонов ўз ижодида фольклордан кенг фойдаланади. Мақомотни оғзаки анъанадаги профессионал муסיқанинг чўққиси деб ҳисоблайди. Баъзан “Шашмақом”нинг ўзида аниқ бир образли маънони мужассам этган айрим оҳангларига мурожаат этиб, улардан ўз асарларида фойдаланади. Композиторнинг номини муסיқа-

шунослар ва санъаткорлар ўз тасаввурларида кўпинча полифонияга боғлайдилар. Санъатшунос олим В.З. Плунгян эса Т. Курбоновни “полифоник ифода воситаларининг қомуси” деб атайди. Бу бежиз эмас. Негаки, композиторнинг қайси бир асарини олмайлик, у полифония қонуниятлари ёрдамида ўз ечимини топади. “Инсоният мусиқа соҳасида полифониядан кўра мураккаброқ нарсани кашф этмаган. Менинг мақсадим — ўзбек мусиқасини полифония орқали бойитиш”, — дейди ижодкор.

Ҳа, полифония мусиқа соҳасида дунё тафаккури даражасининг чўққисидан жой эгаллаган таълимот. Унга муaroжаат этган Тўлқин ака эса ўзбек мусиқасини жаҳон миқёси даражасига олиб чиқишдек шарафли ишга бел боғлаган.

Т. Курбонов ижодига назар ташлаганда, унда ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Широқ, Ҳамза каби тарихий образларни кўришимиз мумкин. Бастакор эътиборини тортган ушбу образлар мусиқа асарларида алоҳида бир эҳтиром ила талқин этилади. Гўёки, ижодкор асрлар оша юксакка кўтарилиб, мозийни ва унга доимо ҳамроҳ бўлган шахсларнинг тарихдаги ўрнини қайта англаётгандек. Ижодкорнинг ўзи бу шахсларни халқ маънавияти вакиллари деб атайди. Унинг фикрича, халқимизнинг барча тарихий шахслари ҳаётга бежиз келмаган. Уларнинг ҳар бири маълум бир даврда маълум бир вазифа билан дунёга келиб кетган. Назаримда, Т. Курбонов асарларини шу шахслар ҳаётига боғлаб, тасавурида улар билан учрашиб, ўз саволларига жавоб топади, уларнинг руҳи поклари ҳамроҳлигида мусиқа асарларини дунёга келтиради.

Т. Курбонов табиатан файласуфдир. Ундаги файласуфона теран фикрлаш, мушоҳада қилиш қобилияти унинг ижодига яққол кўзга ташланади. Унинг асарлари муаллифнинг маълум бир мавзуга бўлган шахсий қарашларини акс эттиради. Композиторнинг юксак интеллектуализми у яратган мусиқий образларнинг чуқур файласуфлиги манбаи. Фикрни жамлаб мулоҳаза қилиш жараёнининг акс этиши, пайдо бўлган ғоянинг рационал ва эмоционал туйғу бирлигида узатилиши Т. Курбонов ижодининг кучли ва ўзига хос томонидир.

Т. Курбонов ижод билан бирга М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг бастакорлик ва

чолғулаштириш кафедрасида кўп йиллардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу давр мобайнида унинг синфидан Н. Фиёсов, В. Сапаров, Қ. Хикматов, Д. Омонуллаева каби ҳозирда ўз ижоди билан халққа танилган профессионал бастакорлар етишиб чиқди. Бундан кўриниб турибдики, Тўлқин ака ижодкорни тарбиялаш вазифасини тўғри тушунади, масъулиятини ҳис этади. Т. Курбонов ижодкорни тарбиялашда унга аниқ билим бериш ва билим беришнинг тартибига катта эътибор қаратиши керак деб ҳисоблайди. Шунингдек, ишнинг нимадан бошланиши ва мақсадини аниқ белгилаб олишнинг муҳимлигини таъкидлайди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам унинг шоғирдлари ҳозирда ҳеч кимнинг ёрдамисиз, мустақил равишда ўз йўлларини топиб олгандирлар.

Тўлқин Курбонов — ҳаётда ўз ўрнини аниқ белгилаб олган санъат намояндаси. Юртимизда бундай инсонлар кўп. Табиат Шарқ мамлакатларидан ўз иноятини дариф тутмай, кўплаб юксак онгли мутафаккирларни ато этган. Замонамизнинг ҳақиқий инсонларида эса уларнинг руҳи намоён.

## МУНДАРИЖА

<i>Гульмира Мустапаева</i>	
Вақт машинаси .....	3
Хобби .....	5
Унутилмас ҳодиса .....	6
<i>Жамила Сотқинова</i>	
Сценарийлар .....	7
Она замин саховати .....	7
Алпомиш достони — минг ёшда .....	10
<i>Ирода Орипова</i>	
Кутлов .....	13
“Мен сени унутдим...” .....	14
Кумушбиби монологи .....	14
“Оҳ, Юрак, қийнама...” .....	14
“Устим бутун...” .....	15
Кўзлари сўқир туйғу .....	16
Бахтнинг олис манзили .....	18
Эркаксиз уй .....	23
<i>Сайёра Муродова</i>	
Асаларичилик: тарихи ва келажаги .....	29
<i>Гулҳаё Эргашева</i>	
Президентимизга атаб .....	36
Ўзбекистон .....	36
Ватаним .....	36
Акамга .....	37
Олма .....	37
“Бир кун денг...” .....	37
“Менинг дадам...” .....	37
“Олмалар қизил бўлиб...” .....	37
Она .....	37
Шаҳрисабзим .....	38
Устоз Абдулла бобомга .....	38
Дўстим китоб .....	38

<i>Зулхумор Маҳмудхўжаева</i>	
Енгил саноат корхоналарини кредитлаш усул ва қондалари .....	40
<i>Розия Тожиева</i>	
Сценарийлар .....	44
Ўзбекистон — она юртим .....	44
Қиз бола идроки билан гўзал .....	48
<i>Нодира Қурбонова</i>	
Бу ёзган хатим Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов бобожонимга етиб борсин .....	51
<i>Шоҳиста Маҳмараимова</i>	
Болалигим .....	53
Қутлайман .....	53
Номинг не .....	54
Алданманг .....	55
Тонгга .....	56
<i>Рухсора Тўлабоева</i>	
Президентнинг қизиман .....	58
Тонг .....	59
Ватан .....	59
Онам .....	59
Ростлик .....	60
Сабзи .....	60
Ёмғир .....	61
Баҳор манзараси .....	61
Шудринг томчиси .....	61
Бутун ер юзини забтига олиб .....	62
Бургутдек .....	62
Шеърят .....	62
Орзулар .....	63
Парвоз .....	63
Паррандачилар .....	64
Умаржоннинг “тулпори” .....	64
Баҳор келди .....	64
Қарға ва сувсар .....	65
Янги йил .....	65
Лампочканинг сўзлари .....	65
Зўравон .....	66
Супурги .....	66

*Дилфуза Содиқова*

Китоб кўнгил кўзгуси ..... 67

Суманбар насим парвозлари ..... 70

Кўнгил кўзи ҳайратлари ..... 75

*Ойдин Абдуллаева*

Юксак заковат эгаси ..... 79

Оҳанглар файласуфи ..... 82

*Адабий-бадий нашр*

## **ЗУЛФИЯНИНГ ҚИЗЛАРИ**

**Давлат мукофоти совриндорлари ижодидан**

**Муҳаррир Ж. Субҳон  
Мусаввир М. Карпузас  
Бадий муҳаррир А. Бобров  
Техник муҳаррир Т. Смирнова  
Кичик муҳаррир Н. Фозилова  
Мусаҳҳиҳ У. Соатова**

**ИБ № 3868**

**Босишга 18.09.2000й. да рухсат этилди. Бичими 84x1081/32.  
Таймс гарнитура. Офсет босма. 4,62 шартли босма тобоғи.  
4,0 нашр босма тобоғи. Жами 2000 нусха /120 рақамли буюртма.  
127-2000 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг  
1-босмаҳонасида босилди. 700002, Тошкент,  
Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.**